

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАОРИФ МИНИСТРЛИГИ  
ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

А. Р. САЙФУЛЛАЕВ

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК  
АДАБИЙ ТИЛИДА  
УНДАЛМА

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ ● ТОШКЕНТ — 1968 .

Мазкур иш ўзбек адабий тилида ундалма категориясига бағишланган бўлиб, унда ундалманинг умумий характери-каси, лексик-семантик хусусияти, морфологик-синтактик ифодаланиши, структураси батафсил баён этилади. Ажратилган ва уюшган ундалмалар, ундалманинг гапдаги ўрни, интонацияси, стилистик роли ва тарихий тараққиёти ҳақида ҳам сўз юритилади.

Брошюра тилшунослар, олий ўқув юртлари филология факультетларининг ўқитувчи ҳамда студентларига, аспирантларга, шунингдек, ўрта мактабларнинг ўзбек тили ўқитувчиларига мўлжалланган.

*Масъул муҳаррир*  
*профессор У. Т. ТУРСУНОВ*

## КИРИШ

Ўзбек тилшунослигида грамматик категорияларни ўрганиш соҳасида бир қанча илмий асарлар, мақолалар ва диссертациялар ёзилган бўлса-да, унинг кўпгина соҳалари ҳали етарли даражада ўрганилмаган. Жумладан, ўзбек тили грамматикасининг синтаксис қисми ҳозиргача илмий асосда тўла ишлаб чиқилмаган. Синтаксис баҳсида ҳали текширилиши зарур бўлган анчагина масалалар мавжуд. «Ўзбек тили грамматикасининг гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар» деб юритилувчи бўлими худди шундай масалалар жумласига киради.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар ўзбек тили грамматикаси илмий асосда ўрганилмаган. Фақат М. А. Терентьев<sup>1</sup>, В. Наливкин<sup>2</sup>, З. А. Алексеев, А. Вишнегорский<sup>3</sup> каби олимлар ўзбек тилини ўрганувчилар учун амалий қўлланма сифатида лугатлар ва ўзбек тилининг элементар грамматикасини тузганлар. Бироқ бу қўлланмаларда гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар ҳақида деярли ҳеч нима дейилмаган, фақат баъзи бир мисоллар келтириш билангина чегараланилган, холос.

Октябрь революциясигача Казембек<sup>4</sup> Мелиоранский<sup>5</sup> Бат-

<sup>1</sup> М. А. Терентьев, Грамматика турецкая, персидская, киргизская и узбекская, кн. 1, СПб, 1875.

<sup>2</sup> В. Наливкин. Русско-сартовский и сартовско-русский словарь общеупотребительных слов с приложением краткой грамматики по наречиям Намаганского уезда, Казань, 1884.

<sup>3</sup> З. А. Алексеев, А. Вишнегорский, Самоучитель сартовского языка (Чтение, письмо и грамматика сартовского языка), Ташкент, 1884.

<sup>4</sup> Казембек. Общая грамматика турецко-татарского языка, Казань, 1846.

<sup>5</sup> Мелиоранский, Краткая грамматика казах-киргизского языка, СПб., 1897.

манов<sup>6</sup>, Киясбсков<sup>7</sup>, Афанасьев<sup>8</sup> каби олимларнинг туркий тилларга доир бир қанча қўлланмалари нашр қилинган.

Юқорида тилга олинган бу қўлланмаларнинг баъзиларида гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзларга таъриф ва мисол бериш билан кифояланилган, уларнинг ўзига хос хусусиятлари эса кенг ёритилмаган, баъзиларида эса бу ҳақда ҳатто ҳеч нима дейилмаган.

Улуг Октябр социалистик революциясидан сўнг Горлевский<sup>9</sup>, Н. К. Дмитриев<sup>10</sup>, С. Кенесбаев<sup>11</sup>, А. Н. Кононов<sup>12</sup>, Л. Н. Харитонов<sup>13</sup> каби олимларнинг туркий тиллари грамматикасига доир бир неча китоблари нашр этилди. Бу китобларда гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар, жумладан, ундалма ҳақида қисқача маълумот берилган.

1948 йилда Н. К. Дмитриевнинг «Грамматика башкирско-го языка» номли китоби нашр қилинди. Бу китобда бошқирд тилининг фонетика, морфология ва синтаксис қисмлари ёритилади, айниқса, содда гап синтаксисига доир кўп масалалар яхши таҳлил қилинган бўлиб, гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар, жумладан, ундалма ҳақида эса ҳеч нарса дейилмаган.

1950 йилда Е. И. Убрятованинг «Исследования по синтаксису якутского языка» номли асари нашр қилинди. Бу асарда якут тилида гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар ва уларнинг айрим хусусиятлари тўғрисида фикр юритилади ҳамда ундалма ҳақида қуйидагилар баён қилинади:

«1. Ундалма якут тилида ўзи иштирок қилган гап билан грамматик жиҳатдан боғланмайди. Ундалма вазифасида кўпинча от ва олмошлар қўлланилади.

2. Ундалма вазифасида қўлланувчи отлардан кўпинча атоқли отларни, қариндошлик ва ёшни билдирувчи турдош отларни, шунингдек, фақат ундалма вазифасида қўлланувчи махсус сўзларни учратиш мумкин.

<sup>6</sup> Батманов, Грамматика киргизского языка (фонетика, этимология, и синтаксис), Оренбург, 1906.

<sup>7</sup> Киясбеков, Словарь и элементарная грамматика сартовского языка, Ташкент, 1907.

<sup>8</sup> Л. Афанасьев, Словарь сартовских слов с главнейшими грамматическими правилами, Скобель, 1908.

<sup>9</sup> Горлевский, Грамматика турецкого языка (морфология и синтаксис), М.—Л., 1928.

<sup>10</sup> Н. К. Дмитриев, Грамматика кумыкского языка, М.—Л., 1940.

<sup>11</sup> С. Кенесбаев, Грамматика казахского языка, М.—Л., 1941.

<sup>12</sup> А. Н. Кононов, Грамматика турецкого языка, М.—Л., 1941.

<sup>13</sup> Л. Н. Харитонов, Современный якутский язык, Якутск, 1947.

3. Ундалма якут тилида кичрайтиш ва эркалаш каби эмоционалликни билдириш хусусияти билан ажралиб туради.

4. Ундалма вазифасида эркалашни билдирувчи турли сўзлардан унумли қўлланилади...Бундай ундалмалар, айниқса, фольклорда ва халқ оғзаки ижоди стилида ёзилган асарларда кўп учрайди»<sup>14</sup>.

Е. И. Убрятованинг «Исследования по синтаксису якутского языка» номли китобида якут тилида ундалманинг грамматик ва лексик-семантик хусусиятлари тўла очиб берилмаган бўлса-да, гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар, уларнинг бир тури бўлган ундалма ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Ю. М. Сейидовнинг «Грамматик жиҳатдан жумла узвлари ила алогадор олмаян сөзлар» деган қўлланмаси сиртдан ўқийдиган студентларга мўлжалланган бўлиб, унда озарбайжон тилида гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар, жумладан, ундалма ҳақида баъзи бир назарий фикрлар берилади ҳамда практик машғулотлар учун кўплаб мисоллар келтирилади. Автор бу қўлланмани ёзишда баъзи бир камчиликларга ҳам йўл қўйган. Масалан, *Ватан! Чохму севир мени о ватан?* (С. В у р ғ у н). *Зафар! Зафар! — Манча; бу сўз яшамагин маънисыдыр* (С. В у р ғ у н)<sup>15</sup> гапларида *ватан, зафар* сўзларини ундалма деб кўрсатади. Бу сўзлар, бизнинг фикримизча, ундалма эмас, балки тасаввур отидир.

Ўзбек тили грамматикасига доир бошланғич, етти йиллик ва ўрта мактаб, шунингдек, олий ўқув юртлари учун бир қанча дарслик ва қўлланмалар нашр этилди. Жумладан, Батманов ва Вильнер<sup>16</sup>, М. Шамсиев<sup>17</sup>, В. В. Решетов<sup>18</sup>, Н. Саидов<sup>19</sup> каби авторларнинг дарслик ва қўлланмаларида гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар, жумладан, ундалма ҳақида қисқача маълумот берилади, холос.

1938 йилда Ҳ. Ғозиевнинг «Ўзбек тили грамматикаси» китоби нашр қилинди. Бу китобда ундалма шундай таърифла-

---

<sup>14</sup> Е. И. Убрятова. Исследования по синтаксису якутского языка, М.—Л., 1950, стр. 294—297.

<sup>15</sup> Ю. М. Сейидов, Грамматик жиҳатдан жумла узвлари ила алогадор олмаян сөзлар, Баки, 1958, 40-бет.

<sup>16</sup> Батманов, Вильнер. Ўзбек тили дарслиги, Тошкент, 1933; Батманов. Очерк синтаксиса узбекского языка, Ташкент, 1936.

<sup>17</sup> М. Шамсиев, Ўзбек тили дарслиги, Грамматика ва имло, II қисм, Тошкент, 1933.

<sup>18</sup> В. В. Решетов, Ўзбек тили грамматикаси, Ўзбек тили ўқитувчилари учун қўлланма, II том, Тошкент—Самарқанд, 1934.

<sup>19</sup> Н. Саидов, Ўзбек тили грамматикаси, II қисм, Тошкент, 1936.

нади: Гапнинг эгасини айтиб (атаб), унга ундаб, гапдаги бутун фикрга боғланган, гап ўзига қаратилган сўз ундалма деб аталади<sup>20</sup>.

Ундалмага берилган бу таъриф, бизнинг фикримизча, тўғри эмас.

1. Ундалмали гапнинг эгаси грамматик жиҳатдан доим ифодалана бермайди, лозим бўлганда, таъкидлаш зарур бўлгандагина ифодаланиши мумкин. Масалан, *К а р и м, китобни ўқи! К а р и м, сен китобни ўқи! каби.*

2. Таърифнинг иккинчи қисмидаги «...гап ўзига қаратилган сўз ундалма деб аталади» дейилиши ҳам тўғри эмас. Чунки гап ундалма бўлиб келган шахсни ифодаловчи сўзга қаратилмайди, балки гапдан англашилган фикр ундалма бўлиб келган сўзга қаратилган бўлади.

Автор бу ўринда логика билан грамматикани аралаштириб юборган. «Ўзбек тили грамматикаси» китобининг 1940 йилги нашрида Ҳ. Ғозиев ундалмага қуйидагича таъриф берган: Гап мазмунига диққатни жалб қилган ва бирор шахсни билдирувчи сўзлар ундалма деб аталади<sup>21</sup>. Бу таъриф бир томонламадир, чунки фақат шахсларгина эмас, балки предмет, ҳодиса, объектнинг ифодаси бўлган сўзлар ҳам ундалма бўлиб кела олади. Масалан, *С и г и р ж о н, пахтани еб, ип қилиб бер* («Ўзбек халқ эртаклари»). *М о с к в а м, гўзалсан, поксан жонанжон...* (Ғ. Ғулом).

1940 йилда А. Ғуломовнинг «Ўзбек тили грамматикаси» китоби босилиб чиқди. Бу китобда гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар: ундалма, кириш сўз, гап бошида келувчи *ҳа, йўқ* сўzlари ҳақида маълумот берилди. Автор бу китобда ундалманинг ўзига хос хусусиятларини қуйидагича кўрсатади:

«1. Ундалма сўзловчи нутқи қаратилган одамни, предметни билдиради.

2. Ундалма киши отлари, қариндошлик отлари, ёшга қараб ишлатиладиган отлар, ҳолатни, амални билдирган отлардан бўлади.

3. Ундалманинг ўзига қарашли аниқловчиси бўлиши мумкин. Буни ёйиқ ундалма дейилади»<sup>22</sup>.

1944 йилда А. Ғуломов, З. Маъруфов, Т. Шермухамедовларнинг «Ўзбек тили грамматикаси» дарслиги нашр қилинди. Бу дарсликда ундалмага «Сўзловчининг нутқи қаратил-

<sup>20</sup> Ҳ. Ғозиев, Ўзбек тили грамматикаси, II қисм, Синтаксис, Тошкент, 1938, 86-бет.

<sup>21</sup> Уша асар, 78-бет.

<sup>22</sup> А. Ғуломов, Ўзбек тили грамматикаси, Синтаксис, Тошкент, 1940, 63-бет.

ган шахсни ёки предметни билдирган сўз ундалма дейилади»<sup>23</sup>, деб таъриф берилади ва унинг қуйидаги хусусиятлари кўрсатилади:

«1. Ундалма асосан бош келишиқдаги от ва от вазифасидаги сўзлардан бўлади. Ундалма сўз бирикмаси ҳолида ҳам келади.

2. Ундалма гапнинг бошида, ўртасида ва охирида кела беради.

3. Ундалма баъзан гап бошида такрорланиб ҳам келади»<sup>24</sup>.

1952 йилда А. Қ. Боровков, З. Маъруфов, Т. Шермухамедовларнинг «Ўзбек тили грамматикаси» номли дарслиги нашр қилинди. Бу дарслиқда ундалма ва унинг хусусиятлари ҳақида илгари нашр қилинган дарслиқлардаги фикрлар такрорланади ва унга қўшимча равишда ундалманинг қуйидаги хусусиятлари кўрсатилади:

1. Ундалма сўз, бирикма ва ибора ҳолида ҳам қўлланади.

2. Айрим ҳолларда, айниқса, шеърларда ундалма жонсиз нарса—предметларга ҳам қаратилган бўлиб, уларни жонли қилиб тасвирлайди»<sup>25</sup>.

1956 йилда А. Маъруфов ва Ғ. Абдурахмоновнинг «Ўзбек тилидан қўлланма» китоби босилиб чиқди. Бу китобда ҳам гап бўлақлари билан грамматик жиҳатдан алоқага кирмаган сўзлар, жумладан, ундалма ҳақида илгари нашр қилинган китоблардаги фикрлар такрорланади ва уларга қўшимча равишда «Ундалмалар ундов сўзлар билан бириккан ҳолда бўлиши ёки уюшиб келиши мумкин»<sup>26</sup>, — деган фикр берилади.

В. В. Решетовнинг «Современный узбекский язык» дарлигида гап бўлақлари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар ҳақида ҳеч нима дейилмаган. Китобнинг охириги бетларида разбор учун текст берилади. Текстдаги гаплар мазмуни ва тузилиши жиҳатидан қандай гап эканлиги аниқланади, улардаги гап бўлақлари топilib, гапларнинг ўзаро грамматик алоқаси кўрсатилади. Китобда *А ф а н д и, Э, б и р о д а р*<sup>27</sup> сўзлари гап бўлаги бўла олмаслиги, яъни гап бўлақлари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар қаторига кири-

<sup>23</sup> А. Ғуломов, З. Маъруфов, Т. Шермухамедов, *Ўзбек тили грамматикаси*, II қисм, Синтаксис, Тошкент, 1944, 69-бет.

<sup>24</sup> Уша асар, 69-бет.

<sup>25</sup> А. Қ. Боровков, З. Маъруфов, Т. Шермухамедов, *Ўзбек тили грамматикаси*, II қисм, Синтаксис, Тошкент, 1952, 64-бет.

<sup>26</sup> А. Маъруфов ва Ғ. Абдурахмонов, *Ўзбек тилидан қўлланма*, Тошкент, 1956.

<sup>27</sup> В. В. Решетов. *Современный узбекский язык*, Ташкент, 1946, стр. 156—157.

ни, ундалма эканлиги айтилади-ю, лекин ундалма ҳақида на- зарий маълумот берилмайди.

Профессор А. Н. Кононовнинг «Грамматика узбекского языка»<sup>28</sup> номи китобида гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзларга қисқача маълумот берилиб, ундалма ва унинг хусусиятлари ҳақида қуйидагилар баён қилинади: «Обращение выделяется из предложения зайты- ми, в эмоциональной речи — восклицательным знаком, обра- щение выражается основным падежом имени, междометиями *ҳай, эй, э*, и т. д. и может стоять в любой позиции в предложе- нии: *Да да, менга ширинлик беринг!— деди*»<sup>29</sup>.

А. Н. Кононовнинг бу китоби 1960 йилда «Грамматика современного узбекского литературного языка» номи билан қайта нашр қилинди. Бунда ундалма ҳақида асарнинг аввал- ги нашрида баён қилинган фикрлар такрорланади. Фикри- мизча, бу китобда ундалманинг семантик ва структура тур- лари, гап бўлаклари билан муносабати, яъни ўхшашлик ёки фарқли томонлари кўрсатилса янада яхши бўларди.

А. Г. Ғуломовнинг «Содда гап» китобида гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар: ундалма, кириш сўз, *ҳа, айқ* сўзлари ва ушловлар ҳақида тунунча бе- рилади. Авторнинг 1940 йилда босилиб чиққан «Ўзбек тили грамматикаси» дарслигида ундалма ҳақида баён қилган фикрлари «Содда гап» китобнда деярли қайтарилади ва ун- га қўшимча сифатида қуйидагилар киритилади:

1. Ундалма ундаш формасидаги сўз билан ифодаланади. Бу сўз баъзан бош келашик формасига ўхшаб келади, баъзан эса ўз махсус формасига эга бўлади.

2. Ундалма вазифасидаги сўзлар одатда от бўлади, бироқ баъзан отланган сўзлар ҳам кела олади<sup>30</sup>.

А. Ғ. Ғуломовнинг «Содда гап» китоби 1955 йилда қайта нашр қилинди. Дарсликнинг ҳар иккала нашрида ҳам гап бў- лаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар, унинг бир тури бўлган ундалма, ундалманинг вазифаси, ифо- даланиши, аниқловчилар билан келиши каби хусусиятлари ҳақида маълумот берилади. Шу билан бирга, бу китобда баъ- зи бир жузвий камчиликлар ҳам учрайди. Масалан, китоб- нинг 1955 йилги нашрида: «Ундалманинг вазифаси айтилаёт- ган фикрга тингловчининг диққатини тортишдир»<sup>31</sup>,— дейи-

<sup>28</sup> А. Н. Кононов. Грамматика узбекского языка, Ташкент, 1948, стр. 249.

<sup>29</sup> Ўша асар, ўша бет.

<sup>30</sup> А. Ғ. Ғуломов, Содда гап, Ҳозирги замон ўзбек тилидан конспектив курс, Тошкент, 1948, 59-бет.

<sup>31</sup> А. Ғ. Ғуломов, Содда гап, Тошкент, 1955, 97-бет.



лади. Бу фикр ундалма шахсни билдирган сўзлардан инфодала-  
лангандагина тўғри бўлади. Лекин ундалма жонсиз предмет-  
ларни инфодаловчи сўзлардан бўлганда эса, талабга жавоб  
бермайди, чунки жонсиз предметлар тинглан ҳусусиятига  
эга эмасдир.

1961 йилда А. Ғ. Ғуломов ва М. А. Асқарованинг «Ҳозир-  
ги замон ўзбек тили» китоби нашр қилинди. А. Ғ. Ғуломов-  
нинг «Содда гап» китобида ундалма ҳақида баён қилинган  
фикрлар бу китобда такрорланади ва унга қуйидагилар қў-  
шимча қилинади:

1. Ундалманинг асосан киши отларидан, жонли ва жон-  
сиз предметнинг помидан бўлиши.

2. Ундалманинг атоқли отлар, исм, фамилиялар, касб-  
мангулот, унвои, лақаб, бирор белгига кўра берилган отлар-  
дан бўлиши.

3. Ундалманинг уюшган ҳолда келиши.

4. Ундалмада интонация масаласи.

5. Ундалмада эмоционаллик.

6. Ундалманинг мустақил гап сифатида қўлланиши<sup>32</sup>.

«Ҳозирги замон ўзбек тили» китоби «Ҳозирги ўзбек адабий  
тили» номи билан 1965 йилда қайта нашр қилинди. Китобнинг  
бу нашрида ҳам, илгариги нашрида ҳам ундалма ҳақида баён  
қилинган фикрлар берилди<sup>33</sup>.

М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расуловлар «Ўзбек тили» ки-  
тобида гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланма-  
ган сўзлар деган умумий атамани қўлламай, ундалма, кириш  
сўз ва кириш бирикма деб кокрет номлар билан бералилар.  
Жумладан, китобда: «Сўзловчининг нутқи қаратилган шах-  
сни билдирган сўз ёки сўз бирикмаси ундалма деб аталади.  
Ундалма айтилаётган фикрга тингловчининг диққатини тор-  
тиш учун хизмат қилади»<sup>34</sup> дейилади. Бунда авторлар ундал-  
ма шахсни билдирган сўзлардан бўлишини кўзда тутганлар.  
Лекин тингловчи жонли ва жонсиз предметлардан бўлганда  
эса бу фикр талабга жавоб бермайди.

А. Ҳ. Сулаймоновнинг «Ўзбек тилида атов гап, ундалма  
ва вокатив гаплар» деган илмий ишида ундалма ҳақида қуйи-  
даги янги фикрлар баён қилинади:

1. Ундалма сўзловчининг ўзига қаратилган бўлиши, яъни  
сўзловчи ўзини атаб, ўз-ўзига мурожаат қилиши мумкин.

<sup>32</sup> А. Ғ. Ғуломов, М. А. Асқарова, Ҳозирги замон ўзбек тили,  
Синтаксис, Тошкент, 1961, 149—155-бетлар.

<sup>33</sup> А. Ғ. Ғуломов, М. А. Асқарова, Ҳозирги ўзбек адабий тили,  
Синтаксис, Тошкент, 1965, 183—189-бетлар.

<sup>34</sup> М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Ўзбек тили, Тош-  
кент, 1962, 203-бет.

2. Нутқ бирон шахсга сиртдан туриб ҳам қаратилиши мумкин. Бундан ташқари, ҳеч қандай объект бўлмаганда ҳам, нутқда ундалмалар қўлланиши мумкин.

3. Баъзан сўзловчи бир шахснинг ўзини бир неча ном билан атайди. Бу ҳолда бу номлардан асосий ундалма бўлиб, бошқалари эса асосий ундалмага нисбатан изоҳловчи бўладилар ва стилистик жиҳатдан сўзловчининг ўзи мурожаат қилган шахсга муносабатини кўрсатадилар:

*Эй, муқаддас гул диёрим, гулшаним, жоним  
менинг,  
Мен сенинг бағрингда ўсдим, йўқдир армоним менинг<sup>35</sup>  
(Уйғун).*

Келтирилган мисолда учта ундалма бўлиб (*гул диёрим, гулшаним, жоним*), бу ундалмалар биргаликда бир объектни, яъни Ватанни ифодалайди. Бу хил ундалмаларни мураккаб ундалмалар дейиш мақсадга мувофиқдир. Рус тили грамматикасида бу хил ундалмалар мураккаб ундалмалар қаторига киритилган<sup>36</sup>.

Профессор Ғ. Абдураҳмонов «Ўзбек тили синтаксисдаги мураккаб гаплар масаласига доир» деган мақоласида ундалма иштирок қилган гапларни мураккаб гапларга киритган<sup>37</sup>.

1959 йилда А. Г. Рудневнинг «Синтаксис осложненного предложения» асари нашр қилинди. Автор ўз асаарида ундалмани гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар категориясига киритган кўп авторларни танқид қилади. Ундалма унинг семантик маъноси, морфологик ифодаланиши, бошқа бўлақлар билан грамматик алоқаси, стилистик функциясини кўрсатиб, уни гап бўлаги деб талқин қилади ва ажратилган бўлақлар, кириш бўлақлар, уюшган бўлақлар, ундалмаларни мураккаб гап синтаксисига киритиш лозимлигини айтади<sup>38</sup>. 1963 йилда дарсликнинг қайта ишланган, тўлдирилган варианты «Синтаксис современного русского языка» номи билан нашр қилинди. Бунда ундалма ҳақида асарнинг аввалги нашрларида баён қилинган фикрлар такрорланади ва тўлдирилади.

<sup>35</sup> А. Ҳ. Сулаймонов, Ўзбек тилида атов гап, ундалма ва вокатив гаплар. ЎЗДУ асарлари, янги серия, № 66, Самарқанд, 1956.

<sup>36</sup> «Грамматика русского языка», том II, часть 2, М., Изд-во АН СССР, 1954, стр. 134.

<sup>37</sup> Ғ. Абдураҳмонов, Ўзбек тили синтаксисдаги мураккаб гаплар масаласига доир, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журналы, 3-сон, 1962, 5—11-бетлар.

<sup>38</sup> А. Г. Руднев Синтаксис осложненного предложения, М., 1959, стр. 175—194.

А. Г. Руднев ундалманинг гап бўлакларига хос хусусиятларини бирма-бир санаб бериб, гапнинг махсус бўлаги<sup>39</sup> эканлигини исботлашга ҳаракат қилади, лекин уш охирига етказ олмайди. Ундалмани гапнинг махсус бўлаги деб мураккаб гап синтаксисига киритиб юборгани бунга асосий сабаб бўлган.

Бизнинг фикримизча, ундалма гап бўлаги сапаладиган бўлса, биринчидан, у содда гап таркибида ўрганилиши, иккинчидан, унга умумий ном берилиши керак.

1963 йилда М. З. Закиевнинг «Синтаксический строй татарского языка»<sup>40</sup> деган монографияси нашр қилинди. Бу монографияда ундалма гап бўлаги сифатида қаралади. М. З. Закиев бу масалада А. Г. Рудневни қувватлайди.

Ўзбек тили ва умуман, туркий тиллар грамматикасига доир нашр қилинган китобларда гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар, унинг бир тури бўлган ундалма, ундалманинг вазифаси, ифодаланиши, йиғиқ ва ёйиқ ҳолда қўлланиши каби хусусиятлари ҳақида изоҳли фикрларгина баён қилинган. Бу фикрлар ундалма, унинг грамматик ва лексик-семантик хусусиятларини тўла очиб бера олмайди. Юқорида қайд қилинган асарлар ундалмани ўрганишга бағишланган махсус илмий асарлар эмас, шунинг учун буларда ундалма чуқур ва тўла ёритилмаган ва баъзи камчиликларга йўл қўйилган.

Гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар синтаксисдаги йирик категориялардан биридир. У ўзининг маъно хусусияти, вазифаси, ҳажми, умуман, ранг-баранглиги билан синтаксисдаги бошқа категориялардан қолишмайди. Бу гуруҳга сўзларнинг бир тури бўлган ундовлар С. Усмонов томонидан ишланди. Лекин ундалма, кириш сўз, ҳа, йўқ сўзлари каби грамматик категориялар ҳали етарли ишланмаган.

Ундалма, кириш сўз, тасдиқ ва инкорни билдирувчи ҳа, йўқ, сўзлари гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар категориясини ташкил қилса ҳам, улар маъно хусусияти, вазифаси билан бир-бирларидан фарқ қиладилар. Ундалма маъно хусусияти, состави, гапдаги ўрни ва стилистик роли жиҳатидан жуда ҳам хилма-хилдир.

---

<sup>39</sup> А. Г. Руднев. Синтаксис современного русского языка, М., 1963, стр. 242—258.

<sup>40</sup> М. З. Закиев, Синтаксический строй татарского языка, Казань, 1963, стр. 71.

## УНДАЛМАНИНГ УМУМИЙ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир группа сўзлар борки, улар гап составида келиб, гап бўлаклари билан мослашув, бошқарув, битишув орқали алоқага кирмайди, гапнинг умумий мазмуни билан боғланиб, гапга ва унинг бўлақларига тегишли бўлиб, сўзловчининг ўз сўхбатдошига мурожаатини, айтилаётган фикрга муносабатини билдиради, гап бўлақларидан махсус оҳанг билан ажратиб айтилади. Бундай сўз ва сўз бирикмалари грамматикада гап бўлаклари билан грамматик боғланмаган сўзлар термини билан юритилади.

Гап бўлаклари билан грамматик боғланмаган бўлақлар<sup>1</sup> ҳақида фикр юритар экиниз, даставвал, гап бўлаклари ҳақида қисқача бўлса ҳам тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Гап қурилишида қатнашган, маълум бир сўроққа жавоб бўлган ҳар бир мустақил сўз гап бўлаги бўла олади. Гап бўлақларининг ҳар бири мазкур гапнинг бошқа бир бўлаги билан алоқага киришади. Ердамчи сўзлар алоҳида ўзи гап бўлаги бўла олмайди, улар гап бўлақларининг ўзаро синтактик муносабатга киришишлари учун хизмат қилади.

Гап бўлаклари бош ва иккинчи даражали бўлақларга бўлинади. Бош бўлақлар эга ва кесимдан иборат бўлиб, гапнинг асосини ташкил қилади. Иккинчи даражали бўлақлар тўлдирувчи, ҳол ва аниқловчидан иборат бўлиб, бош бўлақларда ифода қилинган асосий фикрни тўлдиради ва ҳаракатнинг ўринини, мақсадини билдиради.

Гап бўлаклари гапнинг бошқа бир бўлаги билан ўзаро ё мослашув, ё бошқарув, ё битишув йўли билан алоқага киришади ва ўзаро зич боғланиб, турли муносабатларни англатув-

---

<sup>1</sup> Гап бўлаклари билан грамматик боғланмаган сўзлар таркибидаги сўз термини ўрнида бўлақ терминини шартли равишда қўлладик.

чи сўз бирикмаларини ташкил қилади. Масалан: *Мақтаб ўқитувчилари назарий конференцияларга актив қатнашмоқдалар*.

Бу гаида эга билан кесим (*ўқитувчилар қатнашмоқдалар*), қаратқич билан қаралмиш (*мақтаб ўқитувчилари*) мослашув, тўлдирувчи билан кесим (*конференцияларга қатнашмоқдалар*) бошқарув, сифатловчи билан сифатлаишиш (*назарий конференция*), ҳол билан кесим (*актив қатнашмоқдалар*) битишув орқали алоқага кирати.

Гап бўлаклари билан грамматик боғланмаган бўлаклар эса гап бўлаклари каби маълум бир сўроққа жавоб бўлмайди, улардек мослашув, бошқарув, битишув орқали алоқага киришмайди. Демак, гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлаги бўла олмайди.

Гап бўлаклари билан грамматик боғланмаган бўлаклар кириш бўлак, гап бошида келувчи тасдиқ ва инкорни билдирувчи *ҳа*, *йўқ* сўзлари ва ундалмадан иборатдир.

Кириш бўлак сўзловчининг гаида айтилаётган фикрга муносабатини билдиради. Кириш бўлаклар айтилаётган фикрнинг кимга қарашлилигини, ёки аввалги фикр билан боғликлигини, икки ёки бир неча фикрнинг тартиби, ишонч ва тасдиқ, ачиниш, таажжуб каби маъноларни англатади. Булар гапнинг ҳар ерида келади ва оғзаки нутқда махсус интонация билан айтилади, ёзма нутқда эса тиниш белгилари билан ажратилади.

Тасдиқ ва инкорни билдирувчи *ҳа*, *йўқ* сўзлари гап бошида келиб, сўзловчининг айтилаётган гапдан англашилган фикрга муносабатини, яъни фикрнинг тасдиқ ёки инкор этилишини кўрсатади. *Ҳа*, *йўқ* сўзлари гап бўлакларидан пауза билан ажратилади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида тасдиқ ва инкорни билдирувчи *ҳа*, *йўқ* сўзларини ифодаловчи ихчам, қўлай бир термин йўқ. Бу сўзлар орқали фикрнинг тасдиқ ёки инкор этилиши асосан жавоб йўли билан баён қилинади. Шунинг учун гап бошида келувчи тасдиқ ва инкорни билдирувчи *ҳа*, *йўқ* сўзларини жавоб бўлаклари термини билан аташ яхшироқ бўлар эди. Бу сўзлар туркман тили грамматикасида жавоб сўзлар термини билан юритилади<sup>2</sup>. Баъзан бу бўлаклардан жавоб маъноси англашилмаслиги мумкин. Масалан: *Ҳа айтагандай, бир нарсани сенга айтмоқчи эдим* гаида *ҳа* сўзи жавобни билдирмайди. Лекин бундай ҳоллар жуда кам учрайди.

<sup>2</sup> Ҳазирки замон туркмен дилининг синтаксиси бўюнча гисгача конспект. Туркман дили кафедраси, Ашгабад, 1952, 59-бет.

Ундалма сўзловчи билан тингловчининг ўзаро муносабати билдиради. У гап составида келиб, ўзи иштирок қилган гапнинг мазмунига тегишли бўлади. Ундалма гап бўлакларида махсус интонация билан ажратиб айтилади.

Ундалма, кириш бўлак, жавоб бўлаклари ўзларининг умумий хусусияти билан бир категорияни ташкил қилса ҳам, аммо уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятлари билан бир-бирларидан ажралиб туради. Масалан: Ундалманинг кириш бўлак ва жавоб бўлак билан умумий томони гап составида келиб, гап бўлаклари билан мослашув, бошқарув, битишув орқали алоқага кирмаслиги, гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлаги вазифасида келмаслиги бўлса, лексик-семантик хусусиятлари, ифодаланиши, стилистик роли, асосан иккинчи шахсга қаратилган бўлиши унинг ўзига хос хусусиятларидир.

Ундалма сўзловчи билан тингловчининг ўзаро муносабати билдиради. Сўзловчининг тингловчига бўлган муносабати мурожаат қилиш, ундаш орқали бўлади. Сўзловчининг бу хил муносабатини, ундашини ифодаловчи сўз грамматикада ундалма ҳисобланади.

Ундалма орқали сўзловчининг нутқи шахсларга қаратилади. Маълум бир мақсадни амалга ошириш учун сўзловчи тингловчига ундайди, унга мурожаат қилади. Мурожаат қилинган, ундалган шахснинг ифодаси бўлган сўз ундалма бўлиб келади. Сўзловчи ёки ёзувчи инсонда мавжуд бўлган хусусиятлари баъзан ҳайвонлар, паррандалар каби жонли предметларга кўчиради. Шу жонли предметларнинг ифодаси бўлган сўзлар ундалма бўлиб келади. Масалан: *Сайра, қушча м, сайра*. Қушда сайраш қобилияти бор, лекин унда онгли равишда гапга тушуниш, илтимос ёки буйруқни бажариш хусусияти йўқ. Демак, бу мисолда инсонга хос хусусиятлар қушга кўчирилган.

Сўзловчи баъзан жонсиз предметларни жонли предметга ўхшатади. Уларга жонли предметга ундагандек ундайди. Бундай вақтда жонсиз предметнинг номлари ундалма бўлиб келади. Масалан: *Сўйла менга, эй мажнун тол, Нечун ҳолинг паришон?* (Туроб Тўла).

Ундалма шахслар, жонли ва жонсиз предметларга қаратилган бўлади. Шахсларга қаратилган ундалмалар жонли ва жонсиз предметларга қаратилган ундалмаларга нисбатан кўп учрайди. Масалан, ёзувчи Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар» повестида 305 ундалма бўлиб, шундан 303 таси шахсларга қаратилган ундалмалардир. Шахсларга қаратилган ундалмалар ёзма нутқдагига қараганда оғзаки нутқда кўп қўлланилади. Ундалманинг оғзаки нутқда кўп қўлланиши сўзловчининг тингловчи билан бўлган муносабатига боғлиқ.

Ундалма иккинчи шахсга қаратилади, унинг грамматик

формаси эса учинчи шахсни кўрсатади. Масалан: *Карим, сен кел* гапида *Карим* сўзи ундалма бўлиб, у маптиқан иккинчи шахсни ифодалайди, грамматик томондан эса учинчи шахсга тенг. Юқорида келтирилган мисолдаги ундалманинг иккинчи шахсга тенг эканлигини гапнинг эгаси бўлган *сен* олмоши аниқ кўрсатади, чунки бу олмош *Карим* ундалмасининг эквивалентидир. Сўзловчи учинчи шахс — ўзга билан тўғридан-тўғри, бевосита муносабатда бўла олмайди. Унинг учинчи шахс билан бўлган муносабати иккинчи шахс, яъни иккинчи шахсни ифодаловчи ундалмалар орқали амалга оширилади. Масалан; *Карим, Ҳаким келсин* мисолида сўзловчи учун Ҳакимнинг келиши зарур. Сўзловчи ўзининг шу мақсадини иккинчи шахс — Карим ундалмаси орқали амалга ошироқчи бўлади. Тўғридан-тўғри Ҳакимнинг ўзига — учинчи шахсга ундаб, истагини амалга ошира олмайди.

Бундай конструкцияли гапларда интонация етакчи роль ўйнайди. *Карим, Ҳаким келсин* гапида *Карим* сўзи кучли интонация билан айтилиб, ундан кейин тўлиқ пауза бўлса, бу сўз ундалма ҳисобланади, Ҳаким сўзи эса гапнинг эгаси бўлади. Агар *Карим* сўзи кучли интонация билан айтилмай, санаш интонацияси билан айтилса, унда уюшққ бўлак ҳосил бўлади, ундалма эса шаклан кўринмайди.

Сўзловчи бирор нарсадан хафа ёки хурсанд бўлганида, ўзига мурожаат қилади, ундайди. Масалан:

*Э ш о и р, ажойиб, пишиқчилик, бой  
Шу ойда ёзмасанг, қўй майли, ёзма!*

(С о б и р А б д у л л а).

Бу мисолда *шоир* сўзи сўзловчининг ўзи бўлиб, бу ундаш грамматик биринчи шахс орқали эмас, балки грамматик иккинчи шахс орқали содир бўлади. Шундай қилиб, ундалма соҳасида баъзан логик категория билан грамматик категория тенг келмайди.

Ундалма бош келишик формасида бўлади. Худди ундалмадек, гап бўлақларидан эга, кесим ва изоҳловчи ҳам бош келишик формасида келади. Демак, бу категориялар форма жиҳатдан бир-бирларига ўхшайди. Лекин улар ўзларининг специфик хусусиятлари жиҳатидан бир-бирларидан катта фарқ қиладилар.

Ундалма билан эганинг фарқлари асосан қуйидагилар: Эга — гап бўлаги, яъни бош бўлақдир, ундалма эса гапнинг бош бўлаги бўла олмайди. Эга гапнинг марказини ташкил қилади, яъни гапдаги ҳукм эгага тааллуқли бўлади. Ундалма эса бундай хусусият йўқ, у мурожаатнигина билдиради. Ундалмада интонация эгада бўлган интонациядан бутунлай

фарқ қилади. Эга гапда маълум сўроққа жавоб бўлади, ундалма эса бирорта сўроққа ҳам жавоб бўла олмайди. Эга билан гапнинг бошқа бўлаклари мослашув, бошқарув, битишув орқали алоқага киришади, ундалма эса гапнинг бўлаклари билан бундай алоқага киришмайди. Эга гапнинг бошқа бўлакларидан ҳеч қандай белги билан ажратилмайди, ундалма эса гап бўлакларидан оғзаки нутқда пауза, ёзувда маълум белги билан ажратилади. Гапда эганинг маълум жойлашиш ўрни бўлади, ундалманинг эса гапда қатъий бир ўрни йўқ. Эга сўз туркумларининг деярли ҳаммаси билан ифодалана олади, ундалма эса ҳамма сўз туркумлари билан ифодалана олмайди. Эга мазмунан қайси шахсни билдирса, ўша шахс формасида келади, ундалма эса мазмунан иккинчи шахсни билдириб, асосан учинчи шахс формасида келади.

Ундалма билан от кесим орасидаги фарқлар асосан қуйидагилар: От кесим эга ҳақидаги ҳужмни билдиради ва маълум бир сўроққа жавоб бўлади, ундалма эса ундаш, мурожаат қилишни билдиради, бирор синтактик сўроққа ҳам жавоб бўлмайди. От кесим эгадек гапнинг бошқа бўлаклари билан мослашув, бошқарув, битишув орқали алоқага киришади, ундалма гап бўлаклари билан бундай алоқага киришмайди. От кесим гапнинг охирида келади, ундалма эса гапнинг бошида, охирида, орасида ҳам кела олади. От кесим феълдан бошқа барча сўз туркумлари билан ифодаланади, ундалма эса от ва отлашган сўзлар билангина ифодалана олади. От кесим кесимлик аффикси билан қўлланиб учала шахсни кўрсатади, ундалма эса бундай аффиксларни қабул қилмай, учинчи шахс формасида келади. От кесим кесимлик боғламаси билан келади, ундалмада эса бундай хусусият йўқ. От кесим замонни кўрсатади<sup>3</sup>. (Масалан: *Мен студент эдим, мен студентман, мен студент бўлман*), ундалма эса замонни кўрсатмайди.

Ундалма эга, от кесимдан фарқ қилганидек, изоҳловчидан ҳам фарқ қилади. Изоҳловчи ўз изоҳланмиши билан битишув орқали алоқага киришади, ундалма эса гап бўлаклари билан бундай алоқага киришмайди. Изоҳловчи гапда фақат икки ўринда (изоҳланмишдан олдин ва ундан кейин) келади, ундалма эса гапнинг турли ерида кела олади.

Тасаввур номи бош келишик формасида бўлиб, шаклан ундалмага ўхшайди. Бу икки категория—ундалма ва тасаввур номи кўп ўринларда чалкаштирилиб юборилади. Маълумки, ундалма ундаш, мурожаат этиш каби маъноларни билдиради. Тасаввур номида эса бундай хусусият йўқ, у сўзловчининг

<sup>3</sup> Ф. С. Убаева, Гапнинг уюшиқ бош бўлаклари, кандидатлик диссертацияси, 1959, 120—121-бетлар.



маълум бир предмет ҳақида қилган тасаввурини баён этади. Сўзловчи олдин бирор предметни кўради ёки у ҳақда эшитади, ундан маълум даражада таъсирланади. У шу илгари кўрган ёки эшитган нарсасини яна кўришни, эшитишни орзу қилади, аниқроғи, тасаввур қилади. Масалан: *Москва*, қандай *жозибали ва ёқимли эшитилади бу сўз (Раҳмат Файзий)* гапида *Москва* сўзи тасаввур номи. Езувчи *Москва* ҳақида тасаввур қилляпти, уш кўз ўнгиди тинчлик қўрғони, бахт-саодат ўчоғи сифатида гавдалантиряпти. Бу гапдаги *Москва* сўзини ҳеч вақт ундалма деб бўлмайди, чунки у ундашни, мурожаатни билдирмайди. Қуйидаги: *Минг яша, эй Москва, рус хилқи, мангу бўл омон...* (Акмал Пўлат) гапида эса *Москва* сўзи мурожаатни билдирияпти, шунинг учун ҳам *Москва* ундалмадир.

Атов гаплар ҳам шакл жиҳатдан ундалмага бир оз ўхшайди. Атов гаплар ва уларнинг ўзларига хос хусусиятлари А. Ҳ. Сулаймонов, Ҳ. Фафуровлар<sup>4</sup> томонидан ишланган.

Ундалмали гапнинг бўлаклари бир-бири билан мослашув, бошқарув, битишув орқали синтактик алоқага киришади, ундалма эса гап бўлаклари билан улардек алоқага киришмайди. Ундалма дарак, сўроқ, буйруқ, ундов гап таркибида келади, у гапга ёки гапнинг бўлагига логик ва грамматик томондан тегишли бўлади:

1. Дарак гап составида:

*Эй гўзал қушлар, берингиз меҳрибонимдан хабар,  
Севганим, қулган баҳорим, бахту шонимдан хабар...*  
(Яшин).

*Сизнинг ҳали қиладиган ишингиз ошиб-тошиб ётибди, Рихсибой ака* (Р. Файзий).

2. Сўроқ гап составида: *Раҳима, сен жўхориларни туйиб бўлдингми?* (Ҳ. Ҳ. Ниёзий). *Уста амаки, сиз бу қадар ҳунарни кимдан ўргандингиз?* (С. Айний)..

3. Буйруқ гап составида:

*Янги ҳаёт сари биз толмай чопамиз,  
Қайна, чайқал, кучни бер, эй буюк дарё.*  
(Ойбек).

*Машиналарни тезроқ ишга сол, қизим, вақт ганимат* (И. Раҳим). *Тентик бўлма, болам, қанақа қилиб борасан бир ўзинг!* (Ҳ. Назир).

<sup>4</sup> А. Ҳ. Сулаймонов, Ўзбек тилида атов гап, ундалма ва вокатив гаплар, ЎзДУ асарлари, янги серия, 66-сон, Самарқанд, 1956; Ҳ. Фафуров, Ўзбек тилида атов гаплар, САГУ асарлари, Ўзбек. тили. масалалари, 1957, 137—161-бетлар.

4. Ундов гап составида: *Сабр қил, Манзура, неча қизиққонлик қиласан!* (А. Мухтор).

*Ер, қандай бойсан, сахийсан, гўзалсан!  
Ҳа, совет кишилари қўлида шундайсан!*

(Р. Файзий).

*Бир солдат сингари, тиз чўкиб жонли,  
Голиб байроғингни ўпаман, юрти м!*

(Мирмуҳсин).

Ундалма логик томондан бир ёки бир неча гапга тегишли бўлиши мумкин: *Уртоқлар! Бизнинг олдимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириши соҳасида катта вазифалар турибди* (Газетадан). *Оғайнилар, биз колхоз бўлишни истаймиз. Қишлоқда колхозга кирмаган битта ҳам одам қолмасин!* (Ҳ. Шамс).

Ундалмали гапнинг эгаси кишилик олмошининг иккинчи шахс бирлиги ёки кўплиги билан ифодаланса, ундалма билан гапнинг эгаси логик томондан тенг бўлади. Бунда ундалма кўпинча шу гап эгасининг ё олдидан, ёки кейинидан ёнма-ён келади. Масалан: *Дадажон, сиз бу ҳақда бирор нарса билмайсизми?* (Ш. Рашидов). *Сен, Софиё, яна бир ишни бажаришинг керак* (М. Горький). *Комиссар, Сиз команда беринг, ўзим бораман!* (Яшин). *Эй хола, сиз шунақа хом ўйламанг!* (Ҳ. Ҳ. Ниёзий).

*Огул баҳор, сен очил, сочил!*

*Мадҳ этайин мен ёза-ёза* (Уйғун).

Юқоридаги мисолларда ундалма билан эга гапда турли шахсларда келган. Ундалма учинчи шахсда, эга эса иккинчи шахсда бўлиб, гапнинг эгаси билан кесими шахсда мослашган, лекин ундалма билан кесим орасида мослик йўқ. Агарда ундалма гапнинг эгаси билан логик жиҳатдан тенг келса, у шу гапнинг кесими билан сонда мослашади, лекин бу тўлиқ мослашиш эмас.

1. Бирлик сонда:

*Тезроқ боргил, халоскор дўстим,  
Ёвларни қув, дўстларни қутқар*

(Ҳ. Олимжон).

*Қизим, сен тўғриси айт* (С. Айний).

2. Кўплик сонда: *Уртоқлар, олиб боринглар буларни, адолат судига топширинглар* (Ҳ. Ҳ. Ниёзий). *Иигитлар, бу одам ўзининг душманига бир бармоғи билан икки кўзини бераётир, деб ҳайрон бўлманглар* (А. Қаҳқор).

Ундалма гап билан кўпинча логик жиҳатдан боғланади,

грамматик томондан эса гапнинг маълум бир бўлагига тегишли бўлади. Ундалма гап бўлаклари — эга, кесим, тўлдирувчи, ҳол ва аниқловчининг эквиваленти бўлиб келади. Бунда мазкур бўлак иккинчи шахс кишилик олмоши билан ифодаланади:

1. Ундалма эганинг эквиваленти:

*Ватан, сен мунчалар кўркам!*

(Ғ. Ғулом).

*Партия, сен-қалбимиз! Монолит қувватимиз*

(Мирмуҳсин).

2. Ундалма кесимнинг эквиваленти:

*Бу ҳаётнинг ижодчиси,  
Посбони сен, партиям!*

(Уйғун).

*Хато айтмоқдаман, доно авлодлар,  
Бу мажлис эгаси сиз, ўзингиз*

(Ғ. Ғулом).

3. Ундалма воситасиз тўлдирувчининг эквиваленти: *Азиз дўстим, сени жуда кўргим келади, соғиндим* (Ш. Рашидов). *Абдуғафурота, сизни мен ошпаз қилиб тайнлаганим йўқ, бригада аъзолари сайлаб қўйган* (Р. Файзий).

4. Ундалма воситали тўлдирувчининг эквиваленти:

*Душманларга қарши тиғу яроғим,  
Оппоқ болам, сенга жонлар тасаддуқ.*

(З. Диёр).

*Ташаккур, қаҳрамон советлар халқи,  
Сен билан яшнади фаровон диёр.*

(Акмал Пўлат).

5. Ундалма ҳолнинг эквиваленти: *Қаҳрамонлар, сиз туфайли юртим яна яшнади* (А. Шомуродов). *Дўстим, сизни деб узоқ йўлдан келдим.*

6. Ундалма аниқловчининг эквиваленти: *Уртоқ командир, сизнинг шогирдингиз бутун умрида ўз ватанига содиқ қолади* (Ғ. Ғулом). *Уғлим, сенинг касалинг унақа-бунақа касал эмас, ишқ касали бўлса керак* (Эртақдан).

Сўзловчи тингловчининг диққатини ўз нутқига тортиш учун унга мурожаат қилади, ундайди. Бу эса икки вазиятда содир бўлади: Сўзловчи ўз фикрини тингловчига ундалма қўлламасдан тушунтира олмайди ёки тингловчининг фикрини

гапда англашладиган фикрга жалб қилмоқчи бўлиб унга ундайди, униинг помини, тахаллусини, уивонини айтиб, уни ўз фикрини тинглашга тортади: Масалан: *Дўстим, ҳаётга чуқурроқ қарасангиз, тўғри билан эгрини айтра биласиз (Ой-б-ек)*. Бу гапда ундалмадан сўнг келган гапни тушириб қолдириб, фақат ундалма билангина фикрни баён қилиш мумкин эмас. Шунинг учун сўзловчи тингловчини таъкидлаб жалб қилади ва фикрни айтади.


Сўзловчи баъзан ўз фикрини тингловчига ундалма орқалигина уқтиради. Бундай ҳолларда эса сўзловчи билан тингловчи орасидаги муносабат илгаридан давом этиб келаётган, яъни сўзловчининг мақсади тингловчига аввалдан маълум бўлади. Масалан: *Насиба (аччиғи келиб) Хуморхон опа! (А. Қаҳҳор)*. Бу мисолда ундалманинг ўзигина мавжуд. Ундан кейин келувчи *Айтишманг, таъна қилманг ёки яхши эмас* каби фикрларни баён қилувчи гап эса тушириб қолдирилган, ифодаланмаган. Чунки сўзловчининг мақсади тингловчига илгаридан маълум. Сўзловчи фақат ундалма орқали ўзининг шодлигини, хафалигини, илтимосини, гинасини, газабинини — ҳар хил кечинмаларини баён қилади. Мисоллар: 1) *Гулбаҳор. — Ойишон (Ҳ. Ҳ. Ниёзий)*. Бунда сизнинг мен ҳақимда айтган фикрларингиз тўғри эмас демоқчи бўлади; 2) *Москаленко. — Оксана! (Яшин)*. Бунда бормисан? Кел, кўришайлик каби фикрлар грамматик томондан ифода этилмайдилар; 3) *Заргаров. — Жоним! Имоним!* (А. Қаҳҳор). Бунда менинг илтимосимни бажаринг деган фикр шаклан ифодаланмаган.

Баъзи тилшунослар мустақил қўлланган ундалмаларни вокатив гап дейдилар. Масалан, А. Ҳ. Сулаймонов бу ҳақда шундай дейди: «Ундалмалар кўп вақтда мустақил ундов гап сифатида қўлланадилар. Бундай чоқда улар вокатив ундов гап деб аталадилар<sup>5</sup>. Академик А. А. Шахматов эса мустақил қўлланган ундалмаларни бир составли вокатив гап деб атайди ва бу ҳақда шундай дейди: «Сюда относятся предложения, в которых главным и единственным членом является обращение, имя лица, к которому обращена речь, если это имя произнесено с особой интонацией, вызывающей сложное представление, в центре которого стоит данное лицо, в этой мысли может быть выражен упрек, сожаление, укор, негодование»<sup>6</sup>. Бизнинг фикримизча, мустақил қўлланган ундалмаларни вокатив гап дейиш тўғри эмас. Маълумки, гап грамматик ҳоди-

<sup>5</sup> А. Ҳ. Сулаймонов, *Ўзбек тилида атов гап, ундалма ва вокатив гаплар*, ЎзДУ асарлари, Янги серия, № 66, Самарқанд, 1956.

<sup>6</sup> А. А. Шахматов, *Синтаксис русского языка*, Л., 1941, стр. 86.

садир, фикрнинг тил материаллари орқали юзга чиқиши, шаклланишидир. Вокатив гап остида эса грамматик ифодаланмаган, шаклланмаган фикрлар ётади. Аниқроғи, логик ҳодисани ҳисобга олиб, вокатив гап терминини қўллаш грамматик ҳодисага логик томондан ёндашиш, логик ҳодисани грамматик ҳодиса деб баҳолашидир. Буни мустақил ҳолда қўлланган ундалма, деб қараш тўғри бўлади.



Тарихий жиҳатдан қараганимизда, ундалмалар қадимги туркий тилларда ҳам қўлланилган. Қадимги туркий тилларда ҳозирги адабий тилга қараганда ундалмалар жуда кам ишлатилган. У даврда ишлатилган ундалмалар ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланаётган ундалмалардек мураккаб бўлмаган. Қадимги туркий тилларда, жумладан, Урхун-Енисей ёдгорликларида ишлатилган ундалмалар халққа қаратилган мурожаатни билдиради. Шу билан бирга, бошлиқларга, бекларга қаратилган мурожаатни билдирадиган ундалмалар ҳам учрайди.

Масалан: а. «*Ол йиргәріҗ барсар, тјрк бұдун, өлтәчисән. . .*» Русча таржимаси: *О тюркский народ, когда ты идешь в ту сторону, ты становишься на краю гибели*<sup>7</sup>. б. «*Сүңиг сабыңа, йым-*

<sup>7</sup> С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, Изд-во АН СССР, М.—Л., 1951, стр. 28.

шак акысыңа артурып үкүс, түрк будун, олтиг». Русча таржимаси: Дав себя презлестить их сладкой речью и роскошными драгоценностями, ты, о тюркский народ, погиб в большом количестве<sup>8</sup>. в. «Тәгдүкин, түрк бәгләр, көп билирсиз». Русча таржимаси: Его атаки, о тюркские начальники, вы вполне знаете!<sup>9</sup>

Урхун-Енисей ёдгорликларида, биз ўқиган текстларда, шахсларга қаратилган мурожаатни билдирувчи 15 та ундалма учради, бундан 8 таси халққа, 7 таси бошлиқлар ва бекларга қаратилган мурожаатни билдиради. Лекин ҳайвонлар, паррандалар, ҳашаротлар ва жонсиз предметларга қаратилган мурожаатни билдирувчи ундалмалар учрамади.

Ундалмалар Урхун-Енисей ёдгорликларида учраганидек, қадимги уйғур ёдгорликларида ҳам учрайди. Қадимги уйғур ёдгорликларида халққа, бошлиқларга, шу билан бирга жонсиз предметларга ва «ғайри табиий хурофий кучлар»га қаратилган мурожаатни билдирувчи ундалмалар ҳам қўлланилган. Бу ёдгорликларда қўлланган ундалмаларнинг аниқловчилари ҳам бўлиб, улар кўпинча ўз аниқланмишлари билан мослашув ва битишув йўли билан алоқага кирганлар. Мисоллар:

а. «Аи иниләрим, мәңиң бүкүнки күн әртингү коркум бәлиңләгүм кәлир». Русча таржимаси: О мои младшие братья! На меня в сегодняшний день находит чрезвычайный страх и боязнь»<sup>10</sup>.

б. «Аи әмгәк, аи әмгәк! Бүкүнки күнтә әмрак өкүк ки-ә мин йәмә йиттүрдим ычкын тым әрки му мән...». Русча таржимаси: О мучение! О мучение! Сегодняшний день не будет ли (таким, что) я потерял любимое свое детище...»<sup>11</sup>.

в. «Аи а йдгү ләрим, тәңрим ләрим, ким мән ол өдтә (өдтә) йалануқ лар нуң йиртинсу лүг әт көз үзә айуу кулуңе кулмусуу көрүр билир әртим әрсәр». Русча таржимаси: О мои добрые, о мои тенгрии! Кто я такой, чтобы я мог видеть и знать своими телесными очами во время и в мире человеческих существований (собственные) дурные дела и поступки?»<sup>12</sup>.

Уйғур ёдгорликларининг биз танишган парчаларида ҳаммаси бўлиб 25 та ундалма бўлиб, шундан 12 таси халққа, 2 таси жонсиз предметларга, 11 таси «ғайри табиий хурофий кучлар»га қаратилгандир.

XI—XII асрларда ундалманинг қадимги ёдгорликларда учраган хиллари билан бирга ёрга мурожаат ва ўз-ўзига му-

<sup>8</sup> Уша асар, 28-бет.

<sup>9</sup> Уша асар, 31-бет.

<sup>10</sup> Уша асар, 174-бет.

<sup>11</sup> Уша асар, 177-бет.

<sup>12</sup> Уша асар, 155-бет.

рожаат қилиш каби формалари ҳам кўрина бошляди. Бу даврларда ва ундан кейин учраган ундалмалар қадимги ёдгорликларда қўлланилган ундалмалардан ёрга ундаш ва ўз-ўзига ундаш каби ундялма хилларининг қўлланиши билан фарқ қилади ва ўзининг состави, яъни қаратқичли ва сифатловчили бўлиши билан ажралиб туради:

*Эшитгил, эй улуснинг подшоҳи,  
Етимларнинг букун пушти паноҳи*<sup>13</sup>.

*Саломим еткур, эй буюк жаҳонгир,  
Нигорим ҳасратиндан қилма таъхир*<sup>14</sup>.

*Эй Санубар бўйли дилбар, фикри ҳижрон*  
*Шавқ йтида мен гадони усру бирён қилмағил*<sup>15</sup>,  
*Рақиб тишламас эрди сени, э Са к к о қ и й,*  
*Анинг итича сенга эътибор бўлса эди*<sup>16</sup>.

Ундалмалар XI—XIV асрларда ижод қилган шоир ва ёзувчилар асарларида учраганидек, XV—XIX асрларда ижод қилган шоир ва ёзувчиларнинг асарларида ҳам учрайди. Бу даврларда асосан ундалманинг қадимги ёдгорликларда, XI—XIV асрларда қўлланган турлари, шу билан бирга кўчма маънода қўлланган ундалмалар ҳам учрайди. Ўз-ўзига ундаш ундалмалари эса кенг кўламда қўлланила бошланди. Мисоллар:

*Э Н а в о и й, гар десанг минг зўлми бирла йлмайин  
Бевафолар макри бирла бўлмағил зинҳор сайд*<sup>17</sup>.

*Э қ у ё ш, васлинг демакдин моҳ рухсоринг ғараз,  
Ави ҳайвон зикридин лаъли шакарбарин ғараз*<sup>18</sup>.

*Ноғиҳон берсам, Му қ и м и й, бир мукулмонга салом,  
Дафъатан икки қулоғини қилур қир, толиим*<sup>19</sup>.

Биз Алишер Навоийнинг «Чор девон» асарининг юз бетини қараб чиқдик, унда 97 та ундалма бўлиб, 72 таси шахсларга, шундан 36 таси ўз-ўзига, 14 таси жонсиз предметларга

<sup>13</sup> Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси, Тошкент, 1941, 133-бет.

<sup>14</sup> Уша асар, 123-бет.

<sup>15</sup> Уша асар, 101-бет.

<sup>16</sup> Уша асар, 107-бет.

<sup>17</sup> Н а в о и й, Чор девон, Тошкент, 1940, 61-бет.

<sup>18</sup> Уша асар, 67-бет.

<sup>19</sup> Му қ и м и й, Тапланган асарлар, Тошкент, 1942, 41-бет.

қаратилган мурожаатни, 11 таси эса кўчма маънода қўлланилган ундалмаларни билдиради. Шунингдек, Муқимийнинг «Танланган асарлар» ида 43 та ундалма бўлиб, 26 таси шахсларга, шундан 10 таси ўз-ўзига ва 3 таси жонсиз предметларга қаратилган мурожаатни, 14 таси эса кўчма маънода қўлланилган ундалмаларни билдиради. Қадимги туркий тилларда, шунингдек, Октябргача бўлган ўзбек адабий тилида халққа, бошлиқларга, «ғайри табиий хурофий кучлар»га, диёрга, ёрга ва ўз-ўзига ундаш каби ундалмалар қўлланилган. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўлланиётган мураккаб ундалмалар, қаратқичли ҳамда сифатловчилик аниқловчиси бўлган уюшиқ ундалмалар, шунингдек, халқ оmmasига бавосита ва бевосита қаратилган умумшахс ундалмалари эса у даврда қўлланилмаган.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундалманинг ранг-баранглиги, унинг кўп қўлланиши, биринчидан, ўзбек тилининг тараққиётига боғлиқ бўлса, иккинчидан, улуғ рус тили ва жаҳон аҳамиятига эга бўлган рус адабиётининг самарали таъсир этишига боғлиқдир.

#### УНДАЛМАНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ундалма сўзловчининг нутқи қаратилган объектни билдиради. Бу ўринда объект сўзининг маъноси кенг бўлиб, у киши отлари, жонли ва жонсиз предметлар номи, табиат ҳодисалари каби тушунчаларни билдиради. Шундай қилиб, сўзловчининг нутқи қаратилган объектнинг ифодаси бўлган сўз ва сўз бирикмалари ундалма бўлиб келадилар. Ундалманинг лексик-семантик хусусияти ҳозирги ўзбек адабий тилида жуда ҳам хилма-хилдир. Шундай бўлишига қарамасдан, ўзбек тилида мавжуд дарслик ва қўлланмаларнинг кўпиди ундалманинг лексик-семантик хусусиятлари ҳақида деярли ҳеч нима дейилмаган. Фақат А. Ғ. Ғуломов ва А. Ҳ. Сулаймонов ўртоқлар бу ҳақда қисқача маълумот берадилар.

Филология фанлари доктори А. Ғ. Ғуломов шундай ёзади: «Ундалма киши отлари, қариндошлик отлари, ёшга қараб ишлатиладиган номлар, ҳолат, амал ва шу кабиларни билдирувчи сўзлардан бўлади»<sup>20</sup>.

Филология фанлари кандидати А. Ҳ. Сулаймонов эса ундалма ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Ундалмалар кўпинча шахсларнинг исм-фамилияси, унвони, тахаллуси, лақаби кабилардан иборат бўладилар ёки қариндошлик муносабатла-

<sup>20</sup> А. Ғ. Ғуломов, Содда гап, Тошкент, 1955, 98-бет.



рини, шахсларнинг касбини, ёшени ва бошқа шу кабиларни билдирувчи сўзлардан бўладилар»<sup>21</sup>.

Академик А. М. Пешковский<sup>22</sup>, А. А. Шахматов<sup>23</sup> каби рус олимларининг асарларида, шунингдек, СССР Фанлар академияси Тилшунослик институти томонидан нашр этилган «Грамматика русского языка» (том II, часть II, 1954, стр. 123) асарида ҳам ундалма, унинг лексик-семантик хусусиятлари ҳақида анчагина фикрлар баён қилинган.

Ундалма бўйича тўпланган материалларни ўрганиш ва мисолларни анализ қилиш нутқ қаратилган объект нуқтаи назаридан ундалмани дастлаб уч асосий гурпуага бўлиб текшириш зарурлигини кўрсатади:

I. Шахсларга қаратилган ундалмалар.

II. Жонли предметларга қаратилган ундалмалар.

III. Жонсиз предметларга қаратилган ундалмалар.

I. Шахсларга қаратилган ундалма сўзловчи билан тингловчининг муносабатини билдиреди. Сўзловчи ўз нутқига тингловчининг диққатини жалб қилиш мақсадида унга мурожаат қилади. Сўзловчи тингловчини ишга ундаши, даъват этиши, жамиятдаги янгиликлардан хабардор ва хурсанд қилиши, қисташи ва койиши мумкин.

Сўзловчининг шахсларга ундаши адабий тилда, жонли тилда, халқ оғзаки ижодида, кўпинча чақириқларда, буйруқ ва хитобномаларда учрайди. Шахсларга ундаш ундалманинг бошқа турларига нисбатан кўп қўлланилади. Шунинг учун бу гурпуага кирувчи ундалмалар иккинчи ва учинчи гурпуадаги ундалмаларга қараганда асосий ўринни эгаллайди. Шахсларга қаратилган ундалмалар даставвал икки катта гурпуага бўлинади.

1. Якка шахсга қаратилган ундалмалар.

2. Умумшахсга қаратилган ундалмалар.

1. Якка шахс маъносини билдирувчи ундалмалар ёлғиз шахсга (бир шахсга) қаратилган бўлади. Бу ундалмалар сўзловчининг тингловчига ундашини, шунингдек, ўз-ўзига мурожаат қилишини кўрсатади. Якка шахсга қаратилган ундалмалар кўпинча нотиклар нутқида, шахсий ёзишмаларда, диалогларда, ўзаро суҳбатларда қўлланилади.

Якка шахсга қаратилган ундалмаларнинг ўзи ҳам иккига бўлинади: а) тингловчига қаратилган якка шахс ундалма-

<sup>21</sup> А. Ҳ. Сулаймонов, Ўзбек тилида атов гап, ундалма ва вокатив гаплар, ЎЗДУ асарлари, янги серия, № 66, Самарқанд, 1956.

<sup>22</sup> А. М. Пешковский, Русский синтаксис в научном освещении, Изд. 7. М., 1956.

<sup>23</sup> А. А. Шахматов, Синтаксис русского языка, изд. 2, Л., 1941.

лар; б) сўзловчининг ўзига қаратилган якка шахс ундалмалар.

Тингловчига қаратилган якка шахс ундалмалар сўзловчининг суҳбатдошга (тингловчига) ундашини билдиради. Тингловчига қаратилган якка шахс ундалмалар ҳам ўз навбатида иккига бўлинади:

Сўзловчининг нутқи бевосита тингловчига қаратилган якка шахс ундалмалар: *Жон ўғлим, сенга нима бўлди,— хотинингни қариндошлари олдида ерга қаратмоқчимсан?* (С. Абдулла). *Хабардор бўлинг, яхши йигит, итингиз таламасин,— деб отлиқ қўрқа-қўрқа олдин юрди* (С. Айниёй). *Шовқин солма, жияним, сестраларнинг шовқинидан қулоғимда қулоқ қолгани йўқ. Энди сен ҳам борми?* (А. Қаҳқор).

Сўзловчининг нутқи бавосита (сиртдан) тингловчига қаратилган якка шахс ундалмалар ёзма нутқда (хат, варақа, хитоб, шиор кабиларда) қўлланади: *Жўра ака! Агар Сизга малол келмаса, битта мовут беретка олиб юборсангиз, чунки Тошкент қизларининг ҳаммасига беретка кийиш расм бўлиб кетган* (Ғ. Ғулом).

Тингловчига қаратилган якка шахс ундалмалар лексик-семантик хусусиятига кўра қуйидаги маъноларни билдиради:

Конкрет исм: *Юлдузхон, ишонинг ахир, бу совға сизга чин юракдан, ишонинг...* (Р. Файзий). *Ёдлаш кейин бўлар, гаплашиб ўтиринг, Муҳаммаджон!* (С. Абдулла). *Марайим, саман тойни миниб, ҳозир шаҳарга чоп!* (Ҳ. Шамс).

Исм ва фамилия: — *Хўш, Темир Мардонов, бу гапга сиз нима дейсиз?* (Яшин). *Захар Захарович, курортдан келаётганга ўхшайсиз?* (Ойдин).

Қасб-ҳунар: *Ҳой чўпон, ўзинг кимсан, мендек баобрў чолга нима деб тухмат қилаётибсан...* (Эртакдан). *Ушқирма менга, темирчи,— деди Ғози жаҳл билан, афлотун бўлсанг ҳам, секин гапир* (И. Раҳим).

Машғулот:

*Ер, сув энди, деҳқон, сеники,  
Қуёш унган замон сеники!*

(Ойбек).

*Сизга бағишланур, ўқувчим,  
Ижодимнинг энг асл боби*

(Уйғун).

*Ишчи, сен оловга отилдинг,  
У қонли, қаҳрли замонда*

(Ойбек).

Мансаба-амал: Раис, сен: «Биз ишчилар, биз ишчилар»,— дейсан-у, лекин ишчини билмайсан (А. Мухтор).  
Бунни қаранг, раис, кечагина сув қўйилди (И. Раҳим).

Унвон: У пайтларни эсдан чиқариб бўладими, профессор, ёдингда борми инженер Прохоровни шарманда қилганимиз (А. Мухтор). Мана шундай, инженер, энди бир кафедранни ўзингиз оласиз, саломат бўлсангиз (А. Мухтор). Сержант, сиз ўнг томонга силжинг, уч километр йўл... (А. Мухтор).

Жинс:

Сенга илҳом берсин ботир боболар,  
Йигит, қаҳрамон бўл, ёвни янч, ўч ол!  
(Ойбек).

Қизлар, қатор ўйнаб келинг,  
Бир-икки бор ўйнаб келинг  
(С. Абдулла).

Қариндошлик: Қўлимдан келган яхшилигимни қиламан, тузалсин дейман. Сен кўп андишасизлик қилма, синглим (Ҳ. Шамс). Тоға Спальнийдаги катта сандиқни олиб чиқинг. Устидаги нарсаларни Аҳмаджон акамнинг кабинетларига олиб кириб қўйинг! (А. Қаҳҳор). Эжиян, биздақанги тўғри одамларга кун кечириш қийин бўлиб қолди (С. Абдулла).

Яқинлик-дўстлик: Хўш биродар, сен кўп китоб ўқиган, закон билган одамсан, қани менга айтиб берчи... (М. Горький) Отангизга раҳмат, камол топинг, дўстим, мен ҳам худди мана шунни айтаман деб турган эдим (А. Қаҳҳор).

Ҳолат, хусусият: Чол, мени қўйиб юбор, нима сўрасанг бераман (Эртақдан). Биласиз, кампир, биласиз, мана биз сизга айтиб берамиз (А. Қаҳҳор).

Салом сизга, қаҳрамон,  
Салом сизга, паҳлавон...

(3. Диёр).

Кичрайтиш-эркалатиш:

Ғайрат қилинг, йигитча, қишлоқ қоронғу...  
Дейди шоир, атрофга кўз ташлаб бир зум  
(Ойбек).

Ҳали ёшсан билмайсан  
Ғарб томондан келди ёв.  
Қараб турсак, оппоғим,  
Бахтимизга бўлур ғоё

(3. Диёр).

Сўкиш-айблаш: Аҳмоқ, сени бир жазонгни берайки,  
қараб тургин (Ҳ. Ҳ. Ниёзий). Мен сени ура оламан, аммо  
сен мени ура олмайсан, сенинг қўлинг калталиқ қилади,  
ҳайвон (М. Горький). Йўқол кўзимдан, ҳали шарман-  
дангни чиқараман, жодугар (Ҳ. Ҳ. Ниёзий).

Қесатиш: Тақсирим, қайси муборак оғиздан бу сўз-  
ларни эшитдингиз? (Ойбек).

*Йўқ, жаноб олийлар, эндиги уруш,  
Йўламанг умрингиз узайтиради*

(Ф. Фулом).

Қўчма маънода:

*Яшнаб ўсгин, оппоғим-қўзим,  
Пионер бўл, қувончинг тўлсин*

(З. Диёр).

Сўзловчининг ўзига қаратилган яқка шахс ундалмалар  
сўзловчининг ўз-ўзига ундашини билдиради. Бу ундалмалар  
сўзловчининг кечинмаларини ифодалаб, ўзининг лексик-се-  
мантик хусусиятига кўра қуйидаги маъноларни билдиради:

Қонкрет исм:

*Бор умидим: тездан бўлгуси ҳуррият кун,  
Эй Аваз, қолмас булут остида доим офтоб*

(Аваз Утар).

Исм-фамилия:

*Қолишни истасанг, лойиқ асарлар халқ томон йўлла,  
Асар ёзма ўзингга, халқ учун ёз, Собир Абдулла*

(С. Абдулла).

Тахаллус:

*Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил,  
Рост наво нағмага таҳсин дегил*

(А. Навоий).

*Фарёд этдим, Муқимий, ўхшаб гадога,  
Бир демадинг: Кимсан, афғон айладинг?*

(Муқимий).

Қасб-машғулот:

*Сочади қуёшинг, эй шоир, сурур  
Ила сени ўқир бу эркин Ватан...*

(Ойбек).

Сўкиш-айблаш: Эҳаҳмоқ, деди у ўз-ўзига, нима учун хурсанд бўлдинг? (Ш. Рашидов).

Якка шахсга қаратилган ундалмалар юқориди санаб кўрсатилган лексик-семантик хусусиятларнинг комбинациясидан иборат бўлади. Бу ҳолда у ўз изоҳловчисига эга бўлади, яъни бир шахс бир вақтнинг ўзида бир неча ном билан аталади:

Конкрет исм, яқинлик: Дадавой ака, оғир бўлинг, бу ер чойхона эмас, партия мажлиси, мажлисга ҳурмат керак (Уйғун). Ҳамма гапларингиз тўғри, Умурзоқ ота, оғамиз улуг рус халқи кўрсатаётган ёрдам жуда катта (Ш. Рашидов).

Конкрет исм, мансаб-амал: Хотиржам бўл, Умар раис, умрлик улфатингман (И. Раҳим).

Яқинлик, конкрет исм: Ишончим зўр, ўртоқ Ашир, ишончим зўр, Сен ҳам тездан улуг номни олсанг керак (З. Дийёр). Болам Жобирхон, улар йўқ энди... иккалавини ҳам жўнатдинг (Ҳ. Шамс).

Яқинлик-фамилия: Ўртоқ Қодиров, партия бюросига ҳурмат билан қарашингни эслатиб ўтаман... (Ш. Рашидов). Ўртоқ Раҳимов! Сиз ишда ахлоқда синалган, комсомол бўлишингизга қарамай, ёшларни тарбиялашда мутлақо ҳеч нарса билмас экансиз (Р. Файзий).

Яқинлик, мансаб-амал: Ўртоқ Раис, менинг ёшим сиздан фақат беш ёш кичик. Демак, мен ҳам болаликдан аллақачон чиққанман (Ш. Рашидов). Биз билан бир рюмка-бир рюмка ичмасаларингиз, хафа бўламиз, ўртоқ командир (Уйғун).

Яқинлик, унвон: Ўртоқ капитан, Сиздан ўтиниб сўрайман, разведкадан мени маҳрум қилманг (Уйғун). Бригадамизга шундай ҳам фахрий аъзо эдингиз, ўртоқ профессор (А. Мухтор).

Яқинлик, касб-машғулот: Кириб бир оғиз айтсангиз, мен ҳам бир қўлда прекрасно ишлаганман, десангиз бас, ўртоқ мастер! (А. Мухтор). Бунга қаранг, ўртоқ инженер, «Тихий Дон»нинг тўртови ҳам келибди денг, устидан чиқиб қолсам бўладими! (А. Мухтор).

Яқинлик, конкрет исм, қариндошлик: Тўғри, ўртоқ Раҳимжон ака, мих ҳам эгилса, тўғрилаб яна қоқилади (А. Қаҳҳор).

Мансаб-амал, яқинлик-дўстлик: Қани, бригадир оғайни, Кўкбулоқда нималар бўлаётганини айтиб берчи... (Ш. Рашидов). Режани айтаверинг, раис ака! Ҳамма ишни бажарамиз (Р. Файзий).

Касб, конкрет ном:

Соғи бўлиб, қадаҳ тутинг, маст қилинг,  
Назарига бу осмонни наст қилинг.  
Уста Абдулқосим, уста Аширмат

(С. Абдулла).

Касб, яқинлик: Яхши, уста амаки, нимаки зарур бўлса, ҳаммасини сўранг, жону дилим билан бажаришга тайёрман. (Ш. Рашидов). Қоринбойлар қилолмаган ишни колхозчилар қила олади, уста ака (И. Раҳим).

Машғулот, яқинлик:

Гулдур этиб, булут тарқаб,  
Ялт-юлт этиб чақмоқ чақди.  
Ишчи бобо, сескансангчи,  
Шарққа қуёш чинлаб чиқди

(Х. Х. Ннёзий).

Машғулот, жинс:

Қизил рўмолингчи, паттачи хотин!  
Ҳилпиратиб ҳар кун учиб юра бер...

(Ойбек).

2. Умумшахс маъносини билдирувчи ундамалар умумга — кўпчиликка қаратилган бўлади. Сўзловчининг умумга муурожаати турли иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий сабаблардан келиб чиқади. Умумшахсга қаратилган ундамалар иккига бўлинади: а) сўзловчининг нутқи бевосита умумшахсга қаратилган ундамалар; б) сўзловчининг нутқи бавосита умумшахсга қаратилган ундамалар.

Сўзловчининг нутқи бевосита умумшахсга қаратилган ундамалар лекторлар, докладчилар, умуман, сўзловчининг ўз ҳузурида бўлганларга муурожаатини билдиради. Бу муурожаатнинг воситаси доклад, лекция, суҳбат, музокара ҳисобланади. Бундай ундамалар лексик-семантик хусусиятига кўра қуйидаги маъноларни билдиради:

Умумшахс:

Халойиқ! Сизга ҳар соат ва ҳар дам,  
Ғаниматдир, беринг Сардорга ёрдам

(С. Абдулла).

Ғайрат қилинг план тўлсин, ўртоқлар,  
Пахта билан яшнар колхоз, қишлоқлар

(Акмал Пулат).

Яқинлик-дўстлик: Болаларим, зафарларингиз муборақ бўлсин! Қани қайдасиз, менинг лочинларим, мард-майдонларим (Яшин). Оғайнилар, биз

колхоз бўлишни истаймиз, қишлоқда колхозга кирмаган битта ҳам одам қолмасин! (Ҳ. Шамс).

*Бу қўшиқни бўғолмас ҳеч бир куч!*

*Сафга кир, қардошлар!...*

(С. Абдуқаҳҳор).

Касб-машғулот: *Деҳқонлар! Наҳот ўз ҳаётларингни кўрмасаларинг, наҳот сизларни ғорат қилганларини, алданганларингни, қонларингни ичганларини билмасаларинг?* (М. Горький).

*Бизники дунё, ишчилар, ўқиб олсак,*

*Кечирган кунларни ўйлаб кула олсак,*

*Сурамиз буткул зулматни, жаҳолатни, ғафлатни*

(Ҳ. Ҳ. Ниёзий).

Жинс: *Ўғилларим, мени танимаяпсизларми, мен маляканинг онасиман, унга деб ном келтирдим* (Эртақдан). *Ҳой қизлар, агар гапирадиган бўлсаларинг мана бу ерга чиқиб, халойиққа гапириглар* (Л. Қаҳҳор).

Сўкиш-айблаш: *Ҳой шармандалар! Шунинг бир биллиб қўйингки, Хонзода тирик экан, сенларга кун йўқ* (Ҳ. Ҳ. Ниёзий).

*Босқинчилик дард экан сизга, йиртқишлар!*

*Босиб қўйжакмиз бу дардингни!*

(Т. Тўла).

Сўзловчининг нутқи бавосита (сиртдан) умумшахсга қаратилган ундалмалар турли хил мурожаатларни билдиради. Бу мурожаатнинг воситалари матбуот, нашриёт ҳисобланади. Бундай ундалмалар кўпинча чақириқларда, шиор ва хитобномаларда, резолюцияларда қўлланилади. Масалан: *Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Коммунистик партия ва совет ҳукумати теварагига янада мустаҳкам жипслашайлик, бутун куч ва ижодий ғайратимизни коммунистик жамият қуришдан иборат буюк ишга сафарбар қилайлик! Барча мамлакатнинг меҳнаткашлари, қурол-яроғларни камайтириш учун курашингиз! Атом, водород қуролини ва ялли қирғин қуролининг бошқа турларини тақиқлашни талаб этингиз!*

II. Жонли предметларга қаратилган ундалмалар ҳайвонлар, паррандалар, ҳашаротларга ундашни билдиради. Бу ундалмалар нутқни таъсирчан қилиш ва унга дабдабали тус бериш мақсадида жонли предметларга қаратилади. Бундай ундалмалар шу хусусияти билан шахсларга қаратилган ундалмалардан фарқ қилади. Жонли предметларга қаратилган

ундалмалар шахсларга ва жонсиз предметларга қаратилган ундалмаларга қараганда кам учрайди. Бу ундалмалар халқ оғзаки ижодида кўп учрайди.

Сўзловчи ҳайвонлар, қушларга ундаб, улар орқали ўзининг орзу-истакларини билдиради.

Жонли предметларга қаратилган ундалмалар қуйидагича:

Уй ҳайвонларига ундаш: *Ҳой қирчанғи, мен сени ейман!*—дебди бўри (Эртақдан).

*Говмиш сигир, олақашқа,  
Дўстим йўқдир сендан бошқа*

(Ш. Саъдулла).

*Оқот, кўкот, қорот, қани тик тур... энди ёт!*

(Ш. Саъдулла).

Ёввойи ҳайвонларга ундаш: *Эй бўри, жуданодон экансан-ку!* дебди қирчанғи (Эртақдан). *Ҳой, маймоқ оёқ айиқ, чаққон бўл, биздан ҳайиқ. Тулкибек, раҳмат сенга, ёв хавф сололмас бизга* (Ш. Саъдулла).

Паррандаларга ундаш: *Ўз ҳолимга қўй, чумчуқ, ялинма бекор* (Ш. Саъдулла). *Турналар, оҳ қани энди ёнимга тушсангиз!* (Яшин). *Деҳқон экин экиб юрса, лайлак учиб ётиб қолибди. Лайлак, менга атаганингни бермайсанми?*—дебди у (Эртақдан).

Ҳашаротларга ундаш: *Эй чумолилар, тариқни териб беринглар* (Эртақдан). *Капалак жон, капалак, учасан, ҳеч тўхтамайсан* (Ш. Саъдулла).

Жонли предметларга қаратилган ундалмалар лексик-семантик хусусиятига кўра қуйидаги маъноларни билдиради:

Конкрет ном:

*Қанот қоқиб келинглар,*

*Саъва,*

*Майна,*

*Булбуллар.*

(З. Диёр).

*Сайра, тўрғай, жон тўрғай,*

*Сайрасанг кўнглим тўлғай*

(Ш. Саъдулла).

Атаб қўйилган ном: *Қани, Бойчибор, кел тезроқ* (Ш. Рашидов). *Игит кетаётиб, ити йўлбарсни сийлаб-сийпаб:—Йўлбарс, сени чақирсам ёрдамга бор,—дебди* (Эртақдан).

Кичрайтиш-эркалаш: *Ҳой қуёнча, якка ўзинг қаёққа кетяпсан?*—деб сўрабди у (Эртақдан). *Бўри қўзи-чоқнинг йўлини тўсибди. Қўзичоқ, мен сени ейман,—дебди*



(Эртақдан). *Кийикжон, бергин шох, қазий тупроқ, кулол қилсин кўза, олай сув, чайқай тумишқ, барра қўзини мазза қилиб ей, дебди* (Эртақдан).

Сўзловчи ҳайвонлар, паррандалар ва ҳашаротларни шахслар деб фараз қилиб, уларни касб-машғулот, мансаб — амал билан ҳам атайди:

Қасб-машғулот: *От бир вақт ҳўқизга ҳўмрайиб қараб: ҳой қўшчи, қандай қилиб менинг ёнимда ўтлаб юрибсан? — дейди* (Ҳинд эртақларидан).

Мансаб-амал: *Буни тулки эшитиб қолиб, ўзи чопганича йўлбарсинг уясига келибди: Э хоқоним, сен мени кўришни хоҳлаган экансан, мана сенинг ёнингдаман, — дебди* (Афғон эртақларидан). *Шу вақт қайқир йўлбарсинг олди-га югуриб келди-да, шундай деди: Эй шаҳаншоҳимиз! ...Бу ердан тезроқ ва чаққонроқ жўнаб қолинг* (Ҳинд эртақларидан).

Яқинлик-дўстлик:

*Шилинмасин нақ пўстим,  
Десанг жим ёт, эй дўстим!  
Билса-чи, бизни биров,  
Пўстимиз шилар дарров*

(Ш. Саъдулла).

*Ҳой оғайни, дўстим бўл,  
Сенинг қўлинг эмиш гул*

(Ш. Саъдулла).

*У йўл юрди, мўл юрди  
Айиқ полвонни кўрди.  
Зўр бўлсанг, — дер олапар,  
Дўст бўлайлик, биродар!*

(Ш. Саъдулла).

Сўкиш-айблаш: *Айиқ... Аҳмоқлар, боринглар, иккинчи бундақа бемаъни гаплар билан арзга келманглар, — деб товукларни қувиб юборибди* (Эртақдан). *Бўри пар ёстиққа суяниб роҳат қилибди ва товукларга дўқ уриб: — кўзимдан йўқолинглар, бадбахтлар! — деб бақириб берибди* (Эртақдан).

III. Жонсиз предметларга қаратилган ундалмалар шахсларга қаратилган ундалмаларга қараганда кам, жонли предметларга қаратилган ундалмаларга нисбатан эса кўп учрайди. Ундалманинг бу группаси ифодани кучайтириш ва нутққа эмоционал тус бериш мақсадида жонсиз предметларга, табиат ҳодисаларига қаратилади. Сўзловчи ўз нутқни қаратилган жонсиз предметларни жонлантиришда бадний тасвир воситаларидан фойдаланади.

Сўзловчининг жонсиз предметларга қилган мурожаатидан мақсади, шодлиги, хурсандлиги, хафалиги каби эмоциялар билинади. Бундай ундалмалар риторик ундалма ҳисобланадилар. Бадий адабиётда айниқса лирикада, шунингдек, халқ оғзаки ижодиёти материалларида бу ундалмалар анчагина учрайди.

Жонсиз предметларга қаратилган ундалмалар лексик-семантик хусусиятига кўра қуйидаги маъноларни билдиради:

Т а ш к и л о т:

*Партия энг яхши дostonимга сарлавҳам ўзинг,  
П а р т и я, бердинг маҳорат, мактабим ҳам сен ўзинг*  
(С. Абдулла).

*Кечмишда, ҳозирда ва келажакда,  
Бир машғал бўлиб қолдинг, ҳей ком я чей кам*  
(Ғ. Фулом).

*Э колхоз, ғайрат қил, мавсум ўтмасин,  
Ердан чигит унсин, яшнасин баҳор*  
(С. Абдулла).

Ў р и н - ж о й:

*Марказий оламсан, улуғ Москвам,  
Жаҳон пойтахтим, ҳуқуқим, бахтим...*  
(Ғ. Фулом).

*Қувна, бизнинг гўзал Доғистон,  
Бизга ҳурлик берди Ленинжон*  
(З. Днёр).

*Э В а т а н, ҳарна буюрсанг, доимо тайёрман,  
Ёвларингга ёвману, ким ёрдир мен — ёрман*  
(С. Абдулла).

Қ у р о л - а с б о б:


*Саломат бўл, эй қ а л а м, тонготарлар йўлдошим,  
Тилингдан сатрларга оқади ҳамиша нур*  
(Ғ. Фулом).

*Сен тез теру, олдинга юр,  
Полвон машинамансан ғурур.  
Енгиллатиб қўл меҳнатин  
П ў л а т о т и м, қандингни ур*  
(М. Муҳаммедов).

Т а б и а т ҳ о д и с а л а р и:

*Қани излари: ўнсам!  
Сўйла,  
Е л*

**УНДАЛМА**  
(ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТИ)



*Биргина сен оқ олтинмас, эй дарё  
Борган еринг бари сўнгсиз оқ олтин*

(Аббос Добил).

П а й т:

*Эй баҳор, ҳар нафас зилол қўйнинг  
Қўшчининг шеъри бирла жонланади*

(Ҳ. Олимжон).

#### УНДАЛМАНИНГ МОРФОЛОГИК-СИНТАКТИК ИФОДАЛАНИШИ

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундалманинг морфологик-синтактик ифодаланиши жуда ҳам хилма-хилдир. Лекин ўзбек тилида мавжуд дарслик ва қўлланмаларда ундалманинг ифодаланиши тўла ёритилмаган.

Ундалманинг морфологик-синтактик ифодаланиши, гап бўлақларининг материал томондан ифодаланишига бир қадар ўхшайди. Гап бўлақларидан бири — эга материал томондан асосан бош келишиқдаги от ва отлашган сўзлар билан ифодаланса, ундалма ҳам эга сингари материал томондан бош келишиқда келган от ва отлашган сўзлар билан ифодаланади. Эга маъноси, ифодаланиши ва вазифаси жиҳатидан ундалмадан фарқ қилади. Эга материал томондан деярли ҳамма сўз туркумлари билан ифодаланса, ундалма ҳамма сўз туркумлари билан ифодалана олмайди. Эга вазифасида келган сўзлар ҳар учала шахсни бирлик ва кўплиқда кўрсата олади, ундалма бўлиб келган сўзлар эса асосан иккинчи шахсни кўрсатади.

Ундалма кўпинча шахсларга қаратилганлиги учун от билан ифодаланади. Ундалманинг от билан ифодаланишида текислик, бараварлик йўқ. У баъзи отлар билан (шахс номлари билан) кўпроқ, баъзи отлар билан эса камроқ ифодаланади. Ундалма отлашган сўзлар билан ифодаланганда, отлашган сўзларнинг маъноси тораяди. Ундалма, шунингдек, олмош, ундов ҳамда сўз бирикмаси билан ҳам ифодаланиши мумкин.

Ундалманинг морфологик-синтактик ифодаланишини қўйидаги группаларга бўлиб текшириш лозим.

I. От билан ифодаланган ундалмалар.

II. Отлашган сўзлар билан ифодаланган ундалмалар.

III. Олмош ёки ундов билан ифодаланган ундалмалар.

IV. Сўз бирикмаси билан ифодаланган ундалмалар.

## I. От билан ифодаланган ундалмалар

Ундалма отнинг семантик томондан атоқли ва турдош, конкрет ва абстракт, жонли ва жонсиз, тўда ва тур, якка ва жамловчи каби турлари билан ифодаланadi.

I. Ундалманинг атоқли отлар билан ифодаланиши. Атоқли отлар якка шахс-предметлар номини билдиради. Булар ҳам ўз навбатида иккига бўлинади: а) ономастика; б) топонимика<sup>24</sup>. Ундалмалар ономастикалар (ёки ономастик отлар) билан ифодаланганда қуйидагича бўлади:

*Киши номлари: Отабек, сиз жавоб берингиз, Акрам хожи билан бўлган мажлисингиз кимникида эди? (А. Қодирий). Тожи хон, ўртоғингизга тушунтириб қўйинг, мен унақа майда, енгилтак йигитлардан эмасман (Уйғун). Офтоб хон, жуда ҳам ўжар аёл экансиз, кўзингиз уйқуда, қулоқ солинг (Яшин).*

*Ҳайвонлар ва қушларга қўйилган номлар: Айтчи, Хумо, сенинг соянг бирор одамнинг бошига тушгандай бўлса, у киши тез орада подшоҳ бўлармиш, дейишади — шу тўғрими? (Ҳинд эртаклари).*

Астрономик номлар:

*Сен билан баббаравар уйғонолдим, эй қуёш,  
Тонг отардан кечгача сен ҳар кун менга йўлдош*

(Ғ. Ғулом).

Ундалмалар топонимикалар (топонимик отлар) билан ифода қилинганда, қуйидагича бўлади:

Улка ва область номлари:

*Гули сумбул, суви шакар, қуёшли нурли Фарғона,*

*Сен олтин водийсан, ҳар бир тошинг гавҳар ва дурдона*

(Акмал Пўлат).

*Эй қуёш ўлкаси, ҳур Ўзбекистон,*

*Улуғ оилада тенг, азиз ўғлон,*

*Дарёда сувинг мўл, еринг бепоён,*

*Шаҳар, қишлоқларинг обод, чароғон,*

*Омон бўл, омон!*

(Рамз Бобожон).

Шаҳар ва қишлоқ номлари:

*Москва, Москва, гўзал Москва,*

*Сени юрагим дер шаҳар, қир, ува*

<sup>24</sup> Топонимика грекча сўз бўлиб *topos* (жой, ўрин) ва «онима» (от, исм) сўзларидан келиб чиқиб, тилшуносликда географик атоқли отларни ифодалайди. Ономастика ҳам грекча сўз бўлиб, географик атоқли отлардан бошқа атоқли отларни ифодалайди.

*Сени юрагим дер жаҳоннинг бахти,  
Сен юртнинг калласи, юртнинг пойтахти*  
(М. Шайхзода).

Дарё ва денгиз номлари:

*Томоша қил, Зарафшон, сенга минглаб қаҳрамон*  
*келди,*  
*Ҳаётингда сенга ҳозир ажойиб хуш замон келди*  
(Акмал Пулат).

*Кўп сирларнинг, қонли кунларнинг,  
Гувоҳисан, улуг Днепр,  
Тўлқинингни, жилваларингни*  
*Мазмунидан сўйлагил бир-бир*  
(Файратий).

2. Ундалманинг турдош отлар билан ифодаланиши. Ундалмалар турдош отлар билан ҳам ифодаланади;

Шахсни билдирувчи отлар:

*Ҳой чопарлар, ҳар ёққа довул урингиз,  
Бозору расталарда йиғин қурингиз*  
(Ш. Саъдулла).

*Бизга файз ёғдирар сендаги оташ,  
Сендан папиросни тутатай, йўлдош*  
(М. Шайхзода).

Ҳайвонлар ва қушларни билдирувчи отлар:

*Мен, эшикни оч, эчкижон, келдим сенга бўлиб меҳмон*  
(Ш. Саъдулла).

*Бўрижон, айтсам сенга, эшак кўп ёмон,  
Уни е, терисига тикайлик сомон*  
(Ш. Саъдулла).

*Сичқон дер: — Мени бирдам, тинч қўй, чумчуқвой.*  
*инимдан чиқа олсам, аҳволимга вой*  
(Ш. Саъдулла).

Географик умумий номларни билдирувчи отлар:

*Янги ҳаёт сари биз толмай чопамиз,  
Қайна, чайқал, кучни бер, эй буюк дарё*  
(Ойбек).

*Денгиз, мунча ҳовлиқасан,  
Қайиқларни ирғитасан,*

*Тоғдай-тоғдай тўлқинларни  
Соҳилларга сен отасан*  
(Файратий).

Табиат ҳодисалари номини билдирувчи отлар:

*Шамол, эй шамол, қулочингни оч!*  
(Ш. Саъдулла).  
*Кездим мен кўп кунлар иссиқ бағрингда,  
Эй томчиси шифо жўшқин булоқлар,  
Майса гиламларинг, майин елларинг,  
Поёнсиз гўзаллик кўнглим ардоқлар*  
(Файратий).

*Уғли тўлқинни қистар, тўлқиндан кўмак истар.  
Ҳой тўлқин, эрка тўлқин! Сен шўхсан ҳам  
сершовқин*

(А. С. Пушкин).

3. Ундалманинг конкрет предметни билдирувчи отлар билан ифодаланиши:

*Саломат бўл, эй қалам, тонг отарлар йўлдошим,  
Тилингдан сатрларга оқади ҳамиша нур*  
(Ғ. Ғулом).

*Ташкил топиб сўзларим,  
Бахтим кулар китобдан  
Шунинг учун дейманки,  
Китоб, менинг дўстимсан*

(З. Днёр).

4. Ундалманинг абстракт тушунчани билдирувчи отлар билан ифодаланиши:

*Ким эдингку, ким бўла олдинг  
Небор азиз жонингда  
Эй дил, бергил сарҳисоб,*

(Ғ. Ғулом).

*Ақл, қалам камолга етиб олгунча,  
Саодат асрида яшаб ол, эй жон*

(Ғ. Ғулом).

5. Ундалманинг жонли предметни билдирувчи отлар билан ифодаланиши:

*Пахтазорлар кўркисиз, фахримизсиз, йигитлар  
Севинча, завққа тўлган бахтимизсиз, йигитлар*

(Акмал Пўлат).

*Бўри, тортибсан хўрлик,  
Кел, қонга кир ва жим ёт*

(Ш. Саъдулла).

6. Ундалманинг жонсиз предметни билдирувчи отлар билан ифодаланиши:

*Сўйла, рубоб, ким экан юрагимни тортгувчи,  
Севги, армон, ҳасратни бошларимга ортгувчи!*

(Файратий).

*Созлар ичра яғонасан, дуторим,  
Эл-юртимга парвонасан, дуторим*

(Акмал Пўлат).

7. Ундалманинг тур маъносидаги отлар билан ифодаланиши:

*Боғчамда гул, лола бор,  
Келтирди буни баҳор.  
Ҳой қушлар, жонон қушлар,  
Келинг чертай бирга тор*

(Файратий).

8. Ундалманинг тур маъносидаги отлар билан ифодаланиши:

*Менга қара, майна, қизиқ бир ҳодиса бўлди.  
Ҳўп десанг, айтиб берай*

(Ҳинд эртаклари).

*Сайра, тўрғай, жон тўрғай,  
Сайрасанг кўнелим тўлғай*

(Ш. Саъдулла).

9. Ундалманинг якка предметни билдирувчи отлар билан ифодаланиши:

*Омон, менга ўзингни англа,  
Очиқ гапир, сўзингни англа*

(Ҳамид Олимжон).

*Олимжон, мен сизни кўндан бери кузатиб юрибман.  
Сиз ҳар томондан мукамал йигит, садоқатли коммунистсиз*  
(Ш. Рашидов).

10. Ундалманинг жамловчи хусусиятга эга бўлган отлар билан ифодаланиши:

*Эй халойиқ! Охирги мартаба яхшиликча айтаяман,  
дарвозани очинглар, деб қичқирибди Фотиҳхон* (Афғон эртаклари).



II. Отлашган сўзлар билан ифодаланган ундалмалар. Отлашиш бошқа туркумдаги сўзларнинг, яъни сифатлар, сонлар ва сифатдошларнинг от вазифасида қўлланишидир. От вазифасида қўлланилган сўзлар бир тушунчани ифодалаганда, уларнинг маънолари тораяди. Чунончи, *гўзал* сўзининг маъноси кенг бўлиб, у бир қанча тушунчаларни билдиради. Масалан: *гўзал боғ, гўзал манзара, гўзал табиат, гўзал жой, гўзал шаҳар, гўзал ҳайкал, гўзал бола, гўзал қиз* каби. *Гўзал* сўзи отлашганда, унинг маъноси тораяди ва у бир предмет тушунчасини ифода этадиган бўлади. Масалан: *Жонлатай, сўзлатай варақларни, эй гўзал, ўйнама, секин тингла* (Ҳ. Олимжон).

Бу гапдаги *гўзал* сўзи аслида сифат бўлиб, бу ўринда отлашиб келган. Мисолимиздаги *гўзал* сўзи бир предмет тушунчаси, яъни шахс тушунчасини билдиради.

Ундалма қўйидагича отлашган сўзлар билан ифодаланади.

1. Отлашган сифатлар билан:

*Семурғ деди: эй ботир,  
Кел энди ўрнингдан тур*

(Ҳ. Олимжон).

*Чиқ боғдан тезроқ, торт қўлингни, э номард,  
Тоҳиржон тоғ бўлса, сен бир ҳовуч гард*

(С. Абдулла).

*Тилингни тий, уятсиз*

(Ш. Рашидов).

2. Отлашган сонлар билан:

*Тўртинчи! Тўртинчи! Йигирмага қулоқ сол.*

*Мана, ўртоқ полковник*

(Яшин).

*Бешинчи, югуришда биринчи бўлиб келишга ҳаракат қил,  
Биринчилар, икки қадам олға чиқинглар.*

Соннинг ҳамма турлари ҳам ундалма вазифасида кела олмайди, кўпинча тартиб сонларгина ундалма вазифасида кела олади. Умуман, сонларнинг ундалма бўлиб келиш ҳоллари жуда ҳам кам учрайди.

3. Отлашган сифатдошлар билан:

*Парчаланди у тузилиш, юзин очди текис турмуш.*

*Эзилганлар! Энди йўқдир устингизда даҳшатли мушт*

(Ойбек).

Эй тўйга келганлар, тўйга ҳақлисиз,  
Сиз юртнинг синишта қўли, ақлисиз (М. Шайхзода).  
Янглиш тўйгу менда бўлмас! Янглиш сезги сезганлар,  
Йўқлик сари бора беринг, эй ҳаётдан безганлар  
(Файратий).

Отлашган сифатдош якка ҳолда ундалма вазифасида кам қўлланилади. Бирикмали отлашган сифатдошлар эса унга қараганда кўпроқ учрайди.

III. Олмош ёки ундов билан ифодаланган ундалмалар. Ундалманинг олмош билан ифодаланиши ҳақида тилшуносликда турлича қарашлар мавжуд. А. Ғуломов бу ҳақда шундай дейди: «Иккинчи шахс (бирлик, кўплик — *сен, сиз*) олмошлари ҳеч қачон ундалма бўлмайди»<sup>25</sup>.

Туркий тиллар грамматикасида, масалан, якут ва озарбайжон тиллари грамматикасида ундалманинг олмош билан ифодаланиши кўрсатилади<sup>26</sup>. Шунингдек, ундалманинг олмош билан ифодаланиши ҳақида рус тили грамматикасида ҳам ҳар хил қарашлар бор. Чунончи: «В обращении могут стоять также и личные местоимения вы, ты. Быть может, частью содержат эти местоимения не в качестве подлежащих, а в качестве обращений. Приведу еще примеры для выраженного таким способом обращения при другом обращении. *Ах, вы бабы! Вам бы все сентиментальничать*», — деб ёзади А. А. Шахматов<sup>27</sup>.

И. В. Устинов, А. М. Финкель, Н. М. Баженовлар эса ҳозирги рус адабий тилида ундалмалар кишилик олмошлари билан ифодаланмайди деган фикрни илгари сурадилар<sup>28</sup>.

Сўзловчи тингловчининг маълум бир ҳаракатидан ҳафланиб, ё хурсанд бўлиб, ёки тингловчига менсимаслик билан қараб мурожаат қилиши, ундаши мумкин. Бундай вақтларда ундалма олмош билан ифодаланиб келади. Ундалманинг олмош билан ифодаланиши от ва отлашган сўзлар билан ифодаланишига қараганда кам учрайди. Ундалма олмошнинг барча турлари билан ифодаланмайди, фақат бирлик ва кўплик сондаги иккинчи шахс кишилик олмошлари (*сен, сиз*) билангина ифодалана олади. Мисоллар:

<sup>25</sup> А. Ғуломов, Ўзбек тили грамматикаси, Синтаксис, Тошкент, 1940, 63-бет.

<sup>26</sup> Е. И. Убрягова, Исследования по синтаксису Якутского языка, М.—Л., 1950, стр. 296—297; Ю. М. Сейидов, Грамматик жиҳатдан жумла узвлари ила алогадер олмаян созлар, Баку, 1958, 12—13-бетлар.

<sup>27</sup> А. А. Шахматов, Синтаксис русского языка, Л., 1941.

<sup>28</sup> И. В. Устинов, Материалы и методические указания к курсу современного русского языка, М., 1946, стр. 130; А. М. Финкель, Н. М. Баженов, Современный русский литературный язык, Киев, 1954, стр. 405.

1. *Эй сен, дангаса! Нега сен сояда ётибсан?* (Афанди латифалари).

2. *Ай сиз, менинг кичик дўстларим,  
Ватанингиз севар шунчалар* (З. Диев).

Юқорида келтирилган *Эй сен, дангаса! Нега сен сояда ётибсан?* гапида сен олмоши икки ўринда келиб, икки вазифани бажаради. Бу мисолдаги *дангаса* сўзи ҳам ундалмага ўхшаб келади, лекин у ундалма эмас, балки ундалманинг изоҳловчисидир. Иккинчи мисолда *ай сиз* ундалма бўлиб, *менинг кичик дўстларим* унинг изоҳловчисидир.

Ундалма бирлик ва кўплик сондаги иккинчи шахс кишилик олмошлари (*сен, сиз*) билан ифодаланганда, у билан келган гапнинг эгаси ҳам шу олмошлар билан ифодаланиб келади:

*Сен, Никодим, ҳой сен, Сергей, сен ҳам, ҳай Кирилл,  
Сиз ҳаммангиз қулоқ беринг васиятимга* (А. С. Пушкин).

Ундалма *сен, сиз* олмошлари билан ифодаланганда, баъзан ундалмали гапнинг эгаси тушиб қолиши мумкин:

*Ҳой сен, жийрон тойчамдек  
Уйнаб-ўйнаб оққан сув, ...  
Қулоқ солгин сўзимга,  
Нега бунча шошасан?* (З. Диев).  
*Эй сиз, зафарларнинг мангу йўлдоши,  
Эй сиз, юртни қўрғаб кўкрак керганлар  
Эй сиз, эзуликнинг, эркнинг йўлдоши,  
Эй сиз, ўлимларга зарба берганлар,  
Эй сиз, шараф билан юксалган боши,  
Эй сиз, баҳодирлар, қизил мерганлар,  
Шу она ҳурмати туринг оёққа!  
Уч олинг! От солинг ёв турган ёққа!* (Уйғун).

Ундалма ундов сўзлар билан ҳам ифодаланиши мумкин. Ундов сўзлар нутқнинг таъсирчан бўлиши учун ундалма билан бирга келади, баъзан ундалма вазифасида келган от тушиб қолиб, унинг ўрнини ундов сўзлар эгаллайди. Мана шундай ҳолларда ундов сўзлар мустақил равишда ундалма бўлиб келадилар. Мисоллар:

*Ҳой, айтингиз,— Нега онам туғмади-кан илгари,  
Ромба таққан қўмондонлар, Қаҳрамонлар сингари?*  
(Ф. Ғулом).

*Ҳой, биттанг исериқ солиб юбор, кўзикканга ўхшайман*  
(Ҳ. Ҳ. Нёзий).

*Ҳой, соқолинг кўксингга тўкилгур... Сени қандай жинурди!?*

(Ғ. Ғулом).

IV. Сўз бирикмаси билан ифодаланган ундалмалар. Ундалма синтактик бирикмалар ва уларнинг ҳар бир тури билан ифодалана олади.

1. Ундалманинг синтактик эркин бирикмалар билан ифодаланиши:

*Э чаманнинг булбули, гулшанга кир, гул сайрига,  
Зеб бериб, ороланиб, ҳуснини чандон этди гул*

(С. Абдулла).

*Азиз оналар, ўғилларингизни, эрларингизни, ака-укаларингизни қонли қирғин хонавайрон урушига юбормангиз!*

(А. Мухтор).

*Хайр! деб кўзингдан ўндим, севган ёр,  
Сўрадим: Сўзингда бўларми қарор?*

(Ойбек).

2. Ундалманинг синтактик турғун бирикмалар билан ифодаланиши: *Машина трактор станцияларининг ходимлари! Барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш учун курашингиз!*


*Мени сайланг, мени сайланг,  
Йўлдан адашган кишилар!*

(Ҳ. Ҳ. Ниёзий).

*Рақамлар денгизи тубсиз, қирғоқсиз,  
Икснинг сирини билган одаммас,  
Э, кеча далада ўғиртуйган қиз,  
Фикрни ўткирла, қил уни олмос!*

(Ойбек).

Шундай қилиб, ҳозирги ўзбек адабий тилида ундалмалар морфологик-синтактик жиҳатдан бош келишиқда келган от, отлашган сўзлар, олмош, ундовлар, шунингдек, сўз бирикмалари билан ифодаланади. Булардан от, сўз бирикмаси билан ифодаланиши отлашган сўзлар, олмош ёки ундов билан ифодаланишига қараганда кўп учрайди. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар» асарида 172 та ундалма бўлиб, шундан 124 таси от билан, 31 таси сўз бирикмаси билан, 7 таси отлашган сўзлар билан, 10 таси олмош ёки ундов билан ифодаланган. Шунингдек, Баҳром Раҳмоновнинг «Сурмахон» асарида эса 158 та ундалма бўлиб, 95 таси от билан, 54 таси сўз бирикмаси билан, 8 таси отлашган сўзлар билан, биттаси олмош билан ифодаланган.



### УНДАЛМАНИНГ СОСТАВИ

Маълумки, ундалма бир моментда бир ёки бир неча объектга қаратилган бўлади. Ундалма бир объектни ифодаловчи бир сўздан иборат бўлса, у ёлғиз ундалма ҳисобланади. Бир объектга қаратилган ундалмалар аниқловчилар билан кенгайган ҳолда келиши мумкин. Буларни составли ундалмалар дейилади.

Ундалма бир неча объектга қаратилса ёки бир объектни ифодаловчи ундалмалар бир неча сўزلардан иборат бўлса, улар мураккаб ундалмалар ҳисобланади.

Ундалмалар ўз состави жиҳатидан уч асосий гурпуага бўлинади:

1. Ёлғиз ундалмалар.
2. Составли ундалмалар.
3. Мураккаб ундалмалар.

1. Ёлғиз ундалмалар. Сўзловчининг нутқи бир шахс, ё бир предметга қаратилган бўлиб, бу шахс ёки предмет номини билдирувчи сўз бир сўз билан ифодаланган бўлса, бундай ундалмалар ёлғиз ундалмалар дейилади.

Ёлғиз ундалмалар туб, ясама, қўшма, жуфт отлардан бўлиб, якка ёки такрорлашган ҳолда келади. Мисоллар:

*Хола, беаҳалда нима қилиб юрибсиз, кимни йўқлайсиз?*  
(Ойдин).

*Амин бўл, қизалоқ, унутмаймиз ҳеч,  
Зафар кунларида ёдланар номинг*

(У й ғ у н).

*А м у д а р ё, сени қалбдан куйлайман,  
Утган умринг, ҳаётингни ўйлайман*

(А б б о с Д о б и л).

*М а м а т к а р и м, ўзинг полвон зўровор...*

(Ф. Ё ў л д о ш).

*О п а - с и н г и л л а р, ҳорманглар*

(А. Қ а ҳ ҳ о р).

Жонли сўзлашув тилида кишиларнинг исми кўпинча қисқартирилиб талаффуз қилинади. Масалан, *Адолат — Адол, Фазолат — Фазол, Рисолат — Рисол, Муҳаррама — Муҳар, Мукаррама — Мукар, Муҳаммад — Мамад, Абдусаттор — Саттор, Абдусамад — Самад, Ҳожиқурбон — Ҳожи ёки Қурбон* кабилар.

Сўзловчининг нутқи шахсларга қаратилганда, шу шахсларнинг қисқарган номларини билдирувчи сўзлар жонли сўзлашув тилида ундалма вазифасида келади. Мисоллар: *Муҳар, дарсингни бажардингми? Рисол, уканга қара.*

Елғиз ундалмалар кўплик ёки эгалик қўшимчаларини олган отлардан ҳам бўладилар. Масалан:

*Бизнинг замон, хизматчилар,  
Майдонга чиқ, ишчилар!*

(Х. Н и ё з и й).

*Д ў с т и м, сен ҳали ҳам кўп хизмат қиласан*

(Ш. Р а ш и д о в).

*Қ и з и м, сени золим хон,  
Ўлдиражак беомон.*

(Х. О л и м ж о н).

Эгалик қўшимчасининг учинчи шахс бирлиги билан келган отлар ҳурмат маъносига қўлланади. Бундай ундалма билан келган гап мазмунидан илтимос, қисташ отенкалари англашилади: *Ўигит оғаси, уйингизга кириб исиниш мумкинми?* (С. А й н и й). *А к а с и, бўлинг тезроқ, кеч бўлди.*

Елғиз ундалмалар таъкид юкламалари ва ундов сўзлар билан келиши мумкин. Бундай ҳолларда ундалма билан келган гап мазмунидан чақириш, таъкид, қисташ маънолари англашилади ва нутққа дабдабали тус берилади. Масалан:

*Э й с а б о, борсанг салом айт, биз унутмаймиз ҳамон,  
Бизни ҳам ёдида тутсин ошналар, ёрлар.*

(У й ғ у н).

*Эй баҳор, ҳар нафас зилол қўйнинг  
Қўшчининг шеъри бирла жонланади...*

(Ҳ. Олимжон).

Ёлғиз ундалмалар такрорланиб ҳам келади. Такрорланиб келган ундалмалар тингловчининг диққатини сўзловчининг нутқиغا кўпроқ тортиш мақсадида қўлланилади. Масалан:

*Гунафшахон, гунафша,  
Кулишларинг чиройлик...*

(З. Диёр).

*Жамила! Жамила! Тур ўрнингдан, агар сен мени  
севсанг, агар муҳаббатинг чин бўлса, тиз букма, ялинма...*  
(Ҳ. Ҳ. Ниёзий).

Такрор келган ёлғиз ундалмалар ҳис-ҳаяжон билдирувчи сўзлар билан кела оладилар. Ундов сўзлар такрор келган ундалмаларнинг биринчисига ҳам, иккинчисига ҳам қўшила олади. Масалан: *Оҳ юлдузлар, юлдузлар, сизлар қоронғу кечаларда, кенг чўлларда, қумли биёбонларда, йўлдан адашган йўловчилар учун жуда керакли...* (С. Айний).

*Украина, оҳ Украина!  
Бу тунларда сен ўзинг бедор...*

(Ҳ. Олимжон).

Ёлғиз ундалма гап составида келиб, гапга маълум маъно, мазмун ва оттенка беради. Мана шу маъно, мазмун ва оттенка, биринчидан, ундалма иштирок қилган гап мазмунидан англашилса, иккинчидан, интонация, баҳо суффикслари ва ундалма таркибидаги аниқловчилар, изоҳловчилар орқали англашилади.

Ундалма сўзловчининг тингловчига бўлган муносабатини билдириб, турли характердаги гап составида келади.

1. *Мурожат, чақириқ, ундаш, қисташ* оттенкаларини билдирувчи гапларда:

*Колхозчилар! Меҳнат унумдорлигини оширингиз!*

*Умрим, баҳорнинг шабнамларидан  
Ҳаётбахш шарбат ичиб кўкардинг*

(З. Диёр).

*Қани ишга, азаматлар,  
Тамом бўлди вақтингиз!*

(Уйғун).

II. *Маслаҳат, истак, илтимос* оттенкаларини англатувчи гапларда:

*Она жон, укамни бойларнинг хизматига берманг, бир шлож қилиб, бировга бериб ўқитинг...* (Ҳ. Ҳ. Ниёзий).

*Уғилларим, учингиз, уч томонга юрингиз...*  
(З. Диёр).

*Сабо, арзимни еткур моҳитобон бир келиб кетсин*  
(Ҳ. Ҳ. Ниёзий).

III. Буйруқ, хитоб, сўраш оттенкаларини ифодаловчи гапларда:

*Душман, кўргил Гўрўғлининг ишини,  
Қамсаб кетар сендайларнинг бошини*  
(Ф. Йўлдош).

*Тупроғингни, Ватан, суртдим кўзимга,  
Матросовдек қалбим меҳрингга тўлиқ*  
(Мирмуҳсин).

*Мўминлар, сиз деҳқонларнинг ҳаёти тўғрисида ҳақ сўзлар битилган ҳақиқат рисолаларини биласизларми?*  
(М. Горький).

IV. Нафрат, ғазаб, кесатиш, пичинг оттенкаларини англатувчи гапларда:

*Мен сени ура оламан, аммо сен мени ура олмайсан, сенинг қўлиг калталиқ қилади, ҳайвон* (М. Горький).

*Гул тарзим сарғайиб сенга қарайман,  
Касофати, Ғиротимни сўрайман*  
(Ф. Йўлдош).

*Мен сиздан хафа бўлмадим, чунки сиз ҳали ёш боласиз, шуни билингки, бойвачча, менинг обрўйим сизникидан кўп бўлмаса ҳам, оз эмас* (С. Айний).

V. Аташ, қизғаниш, ачиниш оттенкаларини билдирувчи гапларда:

*Бу жарангли қўшиқларим ҳам  
Сидқидилдан сизга, ўртоқлар!..*  
(З. Диёр).

*Сиз ҳали ёшсиз, ўртоқ, аччиқ-чучукни кам татигансиз*  
(М. Горький).

*Фойда йўқдир, гўзал, золим фалакдан  
Қанча дод қилсангу, қанча шикоят...*  
(Ҳ. Олимжон).

VI. Таъкид, кучайтириш, ишонч оттенкаларини ифодаловчи гапларда:



Уғлим, шуни унутма,  
Сен ботирлар наслисан

(З. Диёр).

Ойқизим, ишончим бор, Кўкбулоқ сувлари биздан  
олдин қишлоққа кириб боради (Ш. Рашидов).

VII. Ҳис-ҳаяжон, шодлик, хурсандлик, мин-  
натдорлик оттенкаларини англатувчи гап-  
ларда:

Эй бунёд, кўзингни оч,  
Жаҳонни кўр, назар соч

(Ҳ. Олимжон).

Ишчилар, уйғон, уйғон, уйғон  
Сенга ишлашга етишди замон

(Ҳ. Ҳ. Ниёзий).

Баҳоримиз энг асл  
Энг асл — олтин фасл

Биз қўйнида шод насл

Баҳор келди, ўртоқлар!

(З. Диёр).

2. Составли ундалмалар. Сўзловчининг нутқи бир  
шахс ё бир предметга қаратилган бўлса, шу шахс ё предмет-  
ни билдирган сўзлар ундалма вазифасида келади. Бу ундал-  
малар аниқловчи ва изоҳловчилар билан кенгайиб келсалар,  
составли ундалма дейилади. Составли ундалма таркибидаги  
элементларнинг бири ундалма бўлиб, қолганлари унинг аниқ-  
ловчиси, изоҳловчиси бўлиб келади. Составли ундалмалар-  
нинг баъзилари синтактик бирикмалардан, баъзилари фра-  
зеологик бирикмалардан таркиб топади. Мисоллар: *Сабр*  
*қилинг, ҳурматли китобхон, олдин қишлоқ билан та-*  
*нишайлик* (И. Раҳим).

Сен билан қувноқдир гул ҳаётимиз,

Эй озов элларнинг азиз макони!

(Уйғун).

Составли ундалмалар даставвал икки группага бўлинади:  
1. Синтактик бирикма ҳолида келадиган составли ундалма-  
лар. 2. Фразеологик бирикма ҳолида келадиган составли  
ундалмалар.

1. Синтактик бирикма ҳолида келадиган составли ундал-  
малар таркибида элементлар бирдан ортиқ бўлиб, бу эле-  
ментларнинг баъзилари семантик ва грамматик жиҳатдан  
эркин бўлса, баъзилари эса эркин бўлмайди. Мисоллар:

*Наманган шаҳридан, гўзал гуландом,  
Менга юборибсан совға деб анор  
(Уйғун).*

*Қишлоқ хўжалик ходимлари! Чорва моллари  
маҳсулдорлигини кескин суратда оширишга ва уларнинг со-  
нини кўпайтиришга эришингиз!*

Биринчи мисолдаги *гўзал гуландом* бирикмаси составли ундалма бўлиб, унинг таркибида икки элемент мавжуд. Бу элементлар семантик ва грамматик жиҳатдан эркиндир. Иккинчи мисолдаги *қишлоқ хўжалик ходимлари* бирикмаси ҳам составли ундалма бўлиб, унинг таркибида уч элемент мавжуддир. Бу элементлар семантик ва грамматик жиҳатдан эркин эмас.

Синтактик бирикма ҳолида келадиган составли ундалмаларни икки гурпуга бўлиш мумкин:

а) синтактик эркин бирикма ҳолида келадиган составли ундалмалар;

б) синтактик турғун бирикма ҳолида келадиган составли ундалмалар.

а. Синтактик эркин бирикма ҳолида келадиган составли ундалмалар таркибидаги элементларнинг ҳар бири мустақил маъноли бўлиб, уларнинг бири ҳоким ва бири тобе бўлади. Составли ундалма таркибидаги ҳоким элемент ундалма бўлиб, тобе элемент ҳоким элементни аниқлаб келади. Масалан:

*Мени сайланг, мени сайланг,  
Менинг фарзандларим...*

(Х. Ҳ. Ниёзий).

*Шу кўзгуда юзимиз оқ бўлсин десанг,  
Ҳозирдан тараддуд қил, колхозчи дўстлар!  
(Т. Фаттоҳ).*

Синтактик эркин бирикма ҳолида келадиган составли ундалмалар таркибидаги элементларнинг ўзаро алоқасига кўра қаратқичли, сифатловчили, изоҳловчили деб учга бўлиш мумкин.

Қаратқичли бирикма ҳолида келадиган составли ундалма таркибидаги элементларнинг иккинчиси ҳоким сўз бўлиб, биринчи элемент қаратқич келишигидаги от ёки кишилик олмошидан бўлади. Қаратқичли бирикма ҳолида келадиган составли ундалма таркибидаги элементлар шахс ва сонда мослашиб келади:

*Яша, эй халқимнинг дорилфунуни,  
Илму фан манбаи барҳаёт ЎЗДУ*

(Ғ. Фулом).

*Қамиш қомат хонимлар қадар  
Бежонмассан, менинг волидам,  
Нелар кечди онанинг ҳоли?*

(Ҳ. Ҳ. Ниёзий).

Составли ундалма таркибидаги қаратқич билан қаралмиш инверсияга учраши мумкин. Бу нарса кўпинча шеърятда учрайди. Масалан:

*Сен билан ўтмоқда шодон ҳар кун, ҳар оним менинг,  
Жон фидо бўлсин сенга, эй Ўзбекистоним менинг*  
(Уйғун).

Составли ундалма таркибидаги қаратқич белгисиз бўлиши ҳам мумкин. Масалан:

*Қуш дўстлари, қушларни кутинг,  
Дарахтларга уя ўрнатиб...*  
(З. Диев).

*Украина еллари, юрагимга олам-олам илҳом солдингиз*  
(Уйғун).

Сифатловчили бирикма ҳолида келадиган составли ундалма таркибидаги элементларнинг иккинчиси кўпинча ҳоқим сўз бўлиб, биринчи элемент сифатлаш йўли билан иккинчи элементни аниқлаб келади.

Составли ундалма таркибидаги сифатловчи билан сифатланмиш ўзаро битишув йўли билан боғланади. Сифатловчили бирикма ҳолида келадиган составли ундалма таркибидаги баҳоловчи сифатлар сўзловчининг тингловчига бўлган муносабатини кўрсатиш мақсадида келтирилади. Ана шунинг учун бундай аниқловчиларни грамматик жиҳатдан ажратиш мумкин бўлса ҳам стилистик жиҳатдан ажратиш мумкин эмас, чунки бундай қилинганда қиймат йўқолади. Масалан:

*Улуғ Шота, қўшиқларинг ҳаяжонли, мазмундор,  
Шу мазмундор ижодингга тарих варақ очгуси...*  
(З. Диев).

*Билсам, гўзал Санобар, бир боғ экан маконинг,  
Бахту баҳори кулган Ватандир бўстонинг*  
(Т. Тўла).

*Борил тезроқ, баҳодир дўстим,  
Кун чиқишдан кун ботишга бор!  
Тунни доим қуёш қувади,  
Қардошларни зулматдан қутқар!*

(Ҳ. Олимжон).

Изоҳловчили бирикма ҳолида келадиган составли ундалма таркибидаги элементлардан бири бошқа бирини изоҳлаб келади. Бу элементларнинг иккинчиси кўпинча ҳоким сўз бўлиб, биринчи элемент иккинчи элементни изоҳлаш йўли билан аниқлайди. Составли ундалма таркибидаги изоҳловчи билан изоҳланмиш ўзаро битишув йўли билан боғланади. Изоҳловчи элемент ундалма бўлиб келган изоҳланмиш — элементнинг касби, машғулоти, унвонини билдириб келади. Мисоллар:

*Бирпас шабадаланинг, райком болам, — деди чол  
ачинган бир тур билан Сайрамовга қараб*

(Ойбек).

*Гул экиб бағрига саҳрони гулистон айладик,  
Тез келинг, колхозчи дўстлар, Марказий Фарғонага*

(Акмал Пулат).

Изоҳловчили бирикма ҳолидаги составли ундалма таркибидаги изоҳловчи изоҳланмиш инверсияга учраши мумкин. Масалан: *Хотиржам бўл, Умар райс, умрлик улфатингман* (И. Раҳим). *Кам бўлманг, Рўзи полвон, ҳамма-мизга ғамхўр бўлганингизга қойилман* (Ш. Рашидов).

Составли ундалма таркибидаги изоҳловчи ва изоҳланмиш бош келишида бўлади. Бу хил бирикма таркибидаги элементлар қаратқичли ва сифатловчили бирикма таркибидаги элементларга нисбатан эркиндир. Шунинг учун изоҳловчили бирикма таркибидаги элементларнинг ўрнини алмаштириш мумкин. Масалан: *Фариштам чўпон, сен ҳар нарса десанг, мен ишонурман* (Ҳ. Ҳ. Ниёзий).

*Эслисанми, дўстим Аноргул,  
Эслисанми қора кунларни?*

(Уйғун).

б. Синтактик турғун бирикма ҳолида келадиган ундалмалар таркибида элементлар бир бутун ҳолда олиб қаралади. Бу хил ундалмалар таркибидаги элементларнинг семантик ҳамда грамматик муносабатларида эркинлик кўринмайди. Бу группа ундалмалар ташкилот ва муассасаларга берилган номлар, составли сифат ва сонлар, сифатдош ва равишдош оборотлардан иборат бўлади. Булар синтактик жиҳатдан бир бутун ҳолда қаралади. Шунга кўра буларни синтактик эркин бирикма ҳолида келадиган ундалма таркибидаги элементлар сингари айрим олиш мумкин эмас.

Ташкилот ва муассасаларга берилган номларнинг ундалма бўлиб келиши:

Ота соқолларининг изи иякда,  
Юрак вазмин ишлар-ла боғлиқ бўлса ҳам,  
Кечмишда, ҳозирда ва келажакда,  
Бир машғал бўлиб қолдинг, ҳей комячейкам  
(Г. Фулом).

Совет касаба союзлари! Меҳнат унумдорлигини  
ошириш учун, халқ хўжалиги планларини тўла ва ошириб  
бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдири-  
гиз!

Составли сифатлар ва сонларнинг ундалма бўлиб келиши.  
Сен, қурумсоқ бой, новчани ўн йил ишлатиб, ҳақини  
бермабсан, шунақаям инсофсизлик бўладими? (Эртақдан).  
Э, ўн беш мингчи, яна ўн минг пахта теришинг эсдан  
чиқмасин, ғайрат қил.

Сифатдош ва равишдош оборотларнинг ундалма бўлиб  
келиши:

Эй, милтиқни  
Милтиқ каби  
Қўруғлаб турган,  
Вужудларни живирлатиб  
Даҳшат-ла  
Юрган,

Синф учун  
ҳар нафасда  
партия учун  
ўткир, олмос одимларни  
маҳкам бос букун  
(Ҳ, Олимжон).

2. Фразеологик бирикма ҳолида келадиган составли ун-  
далмалар барқарор сўз бирикмаларидан ташкил тонади. Бу  
ундалмалар таркибидаги элементларнинг семантик ва грам-  
матик муносабатларида эркинлик бўлмайди. Бу ундалмалар  
таркибидаги элементларнинг ҳар бири айрим-айрим текши-  
рилса, унда кутилган маъно келиб чиқмайди. Мисоллар:

Эйшонли инқилоб бешиги,  
Бағринг букун чаман гул экан.  
Ўйнадим, яйрадим, қувондим,  
Қўйнингда ҳасратлар кул экан  
(Уйғун).

Бахту толе осмонининг юлдузи,  
Ханда қилсанг, тун ҳам бўлар кундузи.  
Ҳам Эироат бўстонининг ҳур қизи,  
Сенсан менинг фахри ёрим — оқ олтин  
(З. Диёр).

Келтирилган мисолларда *Эй шонли инқилоб бешиги, бахту толе осмонининг юлдузи, ҳам зироат бўстонининг ҳур қизи* (фразеологик бирикмаларидан англашилган объектларга сўзловчининг нутқи қаратилган бўлиб, улар бирикма ҳолида ундалма бўлиб келгандир.

3. Мураккаб ундалмалар. Ундалмалар мураккаб бўлиши ҳам мумкин. Сўзловчи ўз суҳбатдошига мурожаат қилиб, уни турлича атайди ва унга нисбатан ўзининг муносабатини билдиради. Натижада, сўзловчининг нутқи қаратилган бир объект ҳар хил номланади. Бундай вақтда ундалма бир объектнинг турли хил хусусиятларини ифодаловчи сўзлардан иборат бўлади. Бу ундалмалар мураккаб ундалма бўлиб, икки ва ундан ортиқ ёлғиз ундалмалардан таркиб топади. Масалан: *Кел, ҳаётим, шавкатим, от ўйнатиб, мардона кел!* (Уйғун). *Меҳнат, муҳаббатнинг, шараф, номуснинг халқимиз қалбида тантанасичун, сипқоринг, азизлар, дўстлар, ёронлар...* (Ғ. Фулом). Бу гапларда *ҳаётим, шавкатим; азизлар, дўстлар, ёронлар* мураккаб ундалмадир. Биринчи гаптаги мураккаб ундалма икки ёлғиз ундалмадан, иккинчи гаптаги мураккаб ундалма эса уч ёлғиз ундалмадан тузилгандир.

СССР Фанлар академияси Тилшунослик институти томонидан нашр қилинган «Грамматика русского языка» китобида мураккаб ундалмалар ҳақида шундай дейилади: «Обращение может состоять из двух или нескольких следующих друг за другом слов (одиночных или имеющих при себе определения) — разных названий одного и того же лица или предмета. Такие слова в составе сложного обращения могут быть соединены сочинительными союзами»<sup>29</sup>.

Мураккаб ундалмалар бир шахс ёки предметнинг турли хусусиятларини билдирувчи бир неча ёлғиз ундалманинг ўзаро бирикиб келишидан ҳосил бўлади. Бу ундалмалар кўпинча лирик шеърларда учрайди ва нутқдаги ҳис-ҳаяжонни, эмоционаликни кучайтиради. Масалан:

*Ол қасос, ерларга янчиб қил уни мотамсаро,  
Ёвни енгган паҳлавоннинг номи кетсин халқаро,  
Қаҳрамоним, арслоним, меҳрибоним,  
бўл омон*

(Ҳ. Олимжон).  
*Қариндошим, туғишқоним, улкан  
қозоқсан ўзинг,*

<sup>29</sup> Грамматика русского языка, т. II, ч. II, М., Изд-во АН СССР, 1954, стр. 134.

*Тонг отарда эгиз болқар ўзбек билан юлдузинг*  
(Ғ. Ғулом).

Мураккаб ундалмалар таркибидаги ёлғиз ундалмалар боғловчи ҳамда интонация орқали ўзаро боғланадилар: *Қадрли ўртоқлар ва дўстлар! Қирғизистон республикасининг барча меҳнаткашларининг топшириғига мувофиқ Ўзбекистон меҳнаткашларини ҳукуматнинг юксак мукофоти билан табриклашга ижозат берингиз* (Газетадан).

*Қолхозчилар, оғайнилар!*  
*Қулоқ солинг, хуш хабар...*  
(Уйғун).

Мураккаб ундалмалар составидаги ёлғиз ундалмалар аниқловчисиз келганидек, аниқловчилар олиб келиши ҳам мумкин. Бу аниқловчилар кўпинча баҳоловчи сифатлардан бўлади. Мисоллар:

*Қаҳрамон ўғиллар, ботир*  
*фарзандлар,*  
*Азиз мангалайингиз бўлсин ярқироқ...*  
(Ғ. Ғулом).

*Гўзал шеърим, эрка лирикам,*  
*Учиб боргил оқоп ёнига...*  
(Уйғун).

Мураккаб ундалмалар таркибидаги ёлғиз ундалмалар хусусий аниқловчилар олиб келганидек, улар умумий аниқловчилар билан ҳам келиши мумкин. Умумий аниқловчилар мураккаб ундалмалар составидаги ёлғиз бир ундалмага тегишли бўлмай, уларнинг ҳаммасида мавжуд бўлган умумий бир белгини кўрсатади. Масалан: *Қадрли ўртоқлар ва дўстлар! Биз партиямиз Марказий Комитети теварагида, Совет ҳукумати теварагида янада зичроқ, янада маҳкамроқ жипс-лашмоғимиз лозим* (Газетадан).

*Мислсиз қудратингиз қойили ҳар бир ватанпарвар,*  
*Тақилган орденингиз аксидир осмондаги ҳулқар,*  
*Атоқли пахтакорлар, паҳлавонлар, хуш*  
*келибсизлар*  
(Чустий).

Мураккаб ундалмалар таркибидаги ёлғиз ундалмалар бир группани ташкил қилгани ҳолда уларга умумлаштирувчи бўлак қўшилиб келиши ҳам мумкин. Умумлаштирувчи бўлак кўпинча мураккаб ундалмалардан олдин келади:

*Эй менинг фарзандларим: қундуз қош, қора  
кўзлар,  
Дастурхон атрофига юлдуз каби тўпланинг, букун чин  
арафадир.  
(Ғ. Ғулом).*

Мураккаб ундалмалар бир неча шахс ва предмет номларини билдирувчи сўзлардан ҳам иборат бўлиши мумкин. Бунда мураккаб ундалма таркибидаги ёлғиз ундалмаларнинг бири умумнинг бир гуруҳи ёки бутуннинг бир бўлагини ифодадаласа, иккинчиси эса гуруҳнинг умуми ёки бўлакнинг бутунини кўрсатади. Шундай қилиб, умум ва гуруҳ ёки бутун ва бўлакни ифодаловчи ёлғиз ундалмалар ўзаро мазмунан бирикиб, бир мураккаб ундалмани ҳосил қиладилар. Масалан: *Пионер ва ўқувчилар! Билимларни сабот ва қунт билан эгаллангиз! Меҳнатсевар ва интизомли бўлингиз, ўқишда муваффақиятларга эришингиз!* (Газетадан).

Ажратилган ундалмалар. Ундалмалар ажратилган ҳолда ҳам келиши мумкин. Ажратилган ундалмалар ўзидан олдин келган ундалмани изоҳлаб келади. Мисоллар: *Дехқонбой, болам, сиз ҳам Мавлоннинг маслаҳати билан иш тутинг* (А. Қаҳҳор). *Қароматхон, синглим, кечир!* (Уйғун). *Йигитлар, оломонлар, бу майдондан юз қайтарманг...* (Ф. Йўлдош).

Ажратилган ундалмалар асосий ундалмадан кейин келиб, унинг эквиваленти бўлади, гапнинг бўлаклари билан семантик ва грамматик жиҳатдан алоқага киришади. Мисоллар: *Жўравой, болагинам, кампирларнинг қилган оши сенга ёқадими?...* (Ғ. Ғулом). *Балогардон, дўстим, мени ўлдирма!* (Ф. Йўлдош).

*Ухла, қўзим, дўндиғим, ухла, мана чиқди ой.  
Сени севиб-эркалаб, жўр бўлади менга сой*

(З. Дийёр).

Ажратилган ундалмалар асосий ундалманинг грамматик формаларини ўзида ифодалайди, улардек кўплик, эгалик аффиксларини олиб келади. Мисоллар: *Малоҳатим, жоним! Мен бундай бўлишини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим, сен билан энди ҳеч кўришмасмиз деган эдим* (Ойдин). *Муттаҳамлар, ўғриллар, шошмай туринглар, адабларингизни бериб қўяман...* (С. Айнӣ). *Хайр, дарддошларим, ўртоқларим! Агар ўлсам, гоҳ-гоҳ мени ёдланглар! Тирик бўлсам, мен сизларни ҳеч вақт унутмайман* (Ойбек).

Ажратилган ундалмалар асосий ундалмалардек, от ва отлашган сўзлар билан ифодаланади.



1. От билан ифодаланиши: *Ёдгор, ҳой Ёдгор, ўғлим, буёққа қара, мана сенга жўхори кавоб қиялман...* (Ғ. Ғулом). *Доҳиймиз, йўлбошчимиз, бўлгин омон!* (Уйғун). *Пахта шағи мўл тушалган ҳур замон, Партия, бахт, эрк қуёши, бўл омон!* (Ойбек).

2. Отлашган сўзлар билан ифодаланиши: *Ҳуш келибсан, элат, қаҳрамон! Сочиқ сочар жийдалар қалин* (Ойбек). *Хат келади сизларга ҳам, хат сизнинг йўлингизда. Азаматлар, паҳлавонлар! Ғалаба қўлингизда* (Ҳ. Олимжон). *Ортдирганинг колхозда шуни? Эй шарманда, беномус, бебош...* (Ҳ. Олимжон).

3. Сўз бирикмаси билан ифодаланиши: *Ҳонзодаҳон, хоннинг қизчи, кавушимни тозаланг* (Ҳ. Ҳ. Ниёзий). *Россия, Россия, менинг ватаним...* сенинг тупроғингда улғайди таним... (Ҳ. Олимжон). *Гўзал шеърим, эрка лирикам, учиб боргил оқоқ ёнига* (Уйғун). *Эй подшоҳи олам, султони боқарам, бир қошиқ қонимдан кечинг, сизга бир суюнчилик хабар юбордим* (Ўзбек халқ эртақлари).

Ажратилган ундалмалар семантик хусусиятларига кўра ҳар хил бўладилар.

1. Касб-машғулоти билдирувчи ажратилган ундалмалар: *Ҳой ишчилар, эзилган меҳнатчилар!* ... *Эркингни қўлдан берма...* (Ҳ. Ҳ. Ниёзий).

2. Яқинлик-дўстликни билдирувчи ажратилган ундалмалар: ... *Сухбат айлайлик келинлар, жўралар, ўртоқлар* (Муқимий).

*Қадрли дўстим, бебаҳо жўрам!*...

*Сен келганда чалиб қўнгироқ,*

*Толемдан ўргилдим мен ҳам*

(А. С. Пушкин).

3. Жинс билдирувчи ажратилган ундалмалар: *Анорхон, қизим, шунча звено бошлиғи бўлиб битта чипоққа кучинг етмадими?* (И. Раҳим). *Ёдгор, ўғлим, буёққа қара...* (Ғ. Ғулом).

4. Ҳур-шайхона билдирувчи ажратилган ундалмалар: *Омон бўлгил, тинчлик қўрғони — шонли Ватан, фаровон Ватан...* (Ҳ. Ғулом). *Гўзалим, Ватаним, боғу-бўстони, ўнгимда очилур каттақон китоб...* (Ғ. Ғулом).

5. Қишрайтиш-эркалаш маъносини билдирувчи ажратилган ундалмалар: *Салтанат, жоним! Делегация келганда менга қўл силкигин...* (А. Қаҳҳор).

*Норхон, жонгином, сенсиз туrolмайман, қасамёд қилманки, қулинг бўлай, хатни олиб чиқ* (Ҳ. Шамс).

6. Кўчма маънони билдирувчи ажратилган ундамалар: *Бутун фикрим — хаёлим сенда, Украина! Эй эрк қуёши! Оёгингда ўғлингнинг боши...* (Ҳ. Олимжон). *Алла, болам, жон қўзим, кўксимдаги юлдузим, жоним сенга қўлайин сентябрнинг қўшиғин* (З. Дийёр).

Ажратилган ундамалар структурасига кўра ёлғиз ва составли бўлади. Ажратилган ундамалар тегишли сўзлар билан кенгайиб келса составли, уларсиз келса ёлғиз саналади.

1. Ажратилган ёлғиз ундамалар: *Нор, жоним, муҳаббатимиз ҳақи, ростини айт...* (Ҳ. Шамс). *Андрей, дўстим, нимани хоҳлаганингни аввал очиқ белгилаш керак* (М. Горький).

2. Ажратилган составли ундамалар:

*Россия, Россия, азамат ўлка!  
Эй, осмон сингари бепоён Ватан!  
Тўлдирган чоғда ҳам жаҳонни нурга  
Қўёш қуча олмас сени дафъатан.*

(Ҳ. Олимжон).

*О нималар қилмоқчи эдинг,  
Сариқ вабо, қонли жаҳонгир!  
Ортмоқ бўлдинг юрагимга ғам,  
Солмоқ бўлдинг қўлимга занжир*

(Уйғун).

Уюшган ундамалар. Ундамалар уюшиб келиши ҳам мумкин. Уюшган ундамалар икки ва ундан ортиқ ундамалардан иборат бўлиб, сўзловчининг бир вақтда бир неча шахс ва объектга ундашини билдиради. Бу ундамалар ундаш объектининг миқдорига кўра мураккаб ундамалардан фарқ қилади, яъни уюшган ундамаларда ундаш объекти кўп, мураккаб ундамаларда эса ундаш объекти битта бўлади.

Уюшган ундамалар боғловчилар ва интонация ёрдами билан ўзаро бирикадилар. Бу ундамалар таркибидаги элементлар бир-бири билан мазмунан мустаҳкам бириккан бўлса, кўпинча боғловчилар билан, мустаҳкам бирикмаган бўлса, интонация орқали боғланади. Мисоллар:

*Паранжи ва чиммат!  
Тезроқ келган жойингга қайт...*

(Ҳ. Ҳ. Ниёзий).

*Онажон! Гофиржон! Унутма мени! Болангни ўлдирган, хотинингни ҳазон қилган бойнинг, бутун бойларнинг жазосини бер (Ҳ. Ҳ. Ниёзий).*

Уюшган ундалмалар икки элементлик бўлиб, тенг боғловчи билан бирикса, ёки кўп элементлик бўлиб, унинг охириги элементи тенг боғловчи билан боғланса, санашнинг тугалланганлиги англашилади. Мисоллар: *Коммунистлар ва комсомоллар! Марксча-ленинча назарияни қунт билан эгаллашгиз... СССР да коммунизм қуриш учун курашчиларнинг олдинги сафларида бўлингиз!* (Газетадан). *Машина-созлик корхоналарининг ишчилари, инженерлари ва техниклари! Машиналарнинг янги нусхаларини тезроқ яратингиз ва маданий муассасаларни тезроқ қурунгиз!* (Газетадан).

Уюшган ундалмалар таркибидаги элементлар интонация ёрдами билан ўзаро бириккан бўлса, санашни давом эттириш, уюшган ундалма қисмларини кўпайтириш мумкин. Масалан: *Инженер, агроном, ўқитувчилар! Колхоз қишлоғининг маданиятини оширишга ўз ҳиссангизни қўшингиз! Инженер, агроном, ўқитувчи, врач, олим, ёзувчи, рассом, композитор! Колхоз қишлоғининг маданиятини оширишга ўз ҳиссангизни қўшингиз!*

Уюшган ундалмалар таркибидаги элементлар боғловчилар ва интонация ёрдами билан ўзаро бириқиб, бир гуруппани ташкил қилиб, умумлаштирувчи бўлак билан келади. Умумлаштирувчи бўлак уюшган ундалмалардан олдин ва ундан сўнг ҳам кела олади. Мисоллар: *Азиз дўстлар: шарқликлар ва ғарбликлар! Шимолликлар ва жанубликлар! Қалбим замонамнинг кўзгуси бўлди (Ф. Фулом). Йигит ва қизлар: шонли Совет ёшларимиз! Хўжалик ва маданий қурилишида, мамлакатнинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётида актив қатнашингиз!*

Уюшган ундалмалар таркибидаги элементлар аниқловчисиз келганидек, улар ўзларига тегишли аниқловчилар олиб келиши ҳам мумкин. Масалан: *Совет йигит ва қизлари! Фан ва техника, маданиятни эгаллангиз! Фидокорона меҳнатингиз билан Ватанимиз қудратини мустаҳкамлангиз! Бинокор ишчилар, инженерлар, техниклар! Янги sanoat корхоналарини, совхозлар, болалар муассасаларини ва маданий муассасаларни тезроқ қурунгиз!*

Аниқловчилар уюшган ундалмаларга нисбатан умумий ва хусусий бўлади. Умумий аниқловчилар уюшган ундалмаларнинг ҳаммасига тегишли бўлиб, уларда мавжуд бўлган умумий бир белгини кўрсатади. Хусусий аниқловчилар уюшган

ундалма қисмларидан бирининг белгисини кўрсатади. Уюшган ундалмалар қуйидагилар:

1. Хусусий қаратқичли аниқловчиси бўлган уюшган ундалмалар: *Факультет деканлари, кафедралар мудирлари, ўн-ўн беш минутга қолинглар, қолган ўртоқларга рўхсат.*

2. Умумий қаратқичли аниқловчиси бўлган уюшган ундалмалар: *Электротехника ва радиотехника саноатининг ишчилари, инженерлари ва техниклари! Ускуналар, аппарат ва асбобларнинг энг янги турларини ҳамда юқори сифатли бошқа буюмларни ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз!*

3. Хусусий сифатловчили аниқловчиси бўлган уюшган ундалмалар:

*Азамат ўғиллар, отинча қизлар,  
Азиз кўксингизда, юрак устида,  
Порласа ярашар олтин медаллар*

(Ғ. Фулом).

4. Умумий сифатловчили аниқловчиси бўлган уюшган ундалмалар: *Бинокор ишчилар, инженерлар, техниклар! Янги саноат корхоналарини, уй-жой биноларини, мактабларни, касалхоналарни, болалар муассасаларини ва мадакий муассасаларни тезроқ қурингиз!*

5. Умумий қаратқичли, хусусий сифатловчили аниқловчиси бўлган уюшган ундалмалар: *Факультетнинг чечан йигитлари, чевар қизлари, пахта териш нормасини уч-тўрт баравар оширингиз!*

6. Умумий сифатловчили, хусусий, қаратқичли аниқловчиси бўлган уюшган ундалмалар:

*Қардошлар гурунгининг кўрки йигит оғаси,  
Эй устодлар устоди, яша соғ бўл, зиндабод!...*

(Ғ. Фулом).

7. Умумий ва хусусий сифатловчили аниқловчиси бўлган уюшган ундалмалар:

*Забардаст, бардошли, қунту ихлосли,  
Азамат ўғиллар, отинча қизлар,  
Азиз кўксингизда, юрак устида,  
Порласа ярашар олтин медаллар*

(Ғ. Фулом).

Уюшган ундамалар маълум тартибда ўринлашадилар. Бу тартиб сўзловчининг ўз суҳбатдошига бўлган турлича муносабатидаан келиб чиқади.

Уюшган ундамаларнинг ўринлашиш тартиби, асосан, қуйидагича:

1. Сўзловчининг нутқи қаратилган шахснинг роли, қийматига қараб: *Коммунистлар ва комсомоллар! Марксча-ленинча назарияни қунт билан эгаллангиз, СССРда коммунизм қуриш учун курашувчиларнинг олдинги сафларида бўлингиз!*

2. Сўзловчининг нутқи қаратилган шахснинг асосий вазифасига қараб: *Ёзувчи, композитор, рассомлар!.. Турмушни чуқур ўрганингиз, совет кишиларини меҳнат соҳасида янги қаҳрамонликлар килишга руҳлантирадиган асарлар яратингиз!*

3. Сўзловчининг нутқи қаратилган шахснинг ёшига қараб: *Онажон! Ғофиржон! Унутма мени! Болангни ўлдирган, хотинингни хазон қилган бойнинг, битун бойларнинг жазосини бер! (Ҳ. Ҳ. Ниёзий).*

4. Сўзловчининг нутқи қаратилган шахснинг сифатига қараб:

*Қанот қоқиб келинлар!*

*Саъба.*

*Майна,*


*Булбуллар,*

*Сизга телмураар кйзлар*

(З. Диёр).

5. Сўзловчининг нутқи қаратилган шахснинг миқдорига қараб: *Ишчилар, инженерлар, техниклар, мастерлар! Меҳнатнинг ва ишлаб чиқаришнинг ташкил қилинишини яхшилангиз, меҳнат интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлангиз, корхоналарнинг бир меъёردа ишлашини таъминлангиз!*

6. Сўзловчининг нутқи асосан кимга қаратилган бўлса, ўша шахсни билдирувчи ундалма биринчи бўлиб, сўзловчининг мақсадига кўра ўринлашади: *Экономист, тарихчи, философ, адабиётшунос, юрист — олимлар, илм-фаннинг ўзингиз ишлаётган тармоқларида, айниқса, саноат, қишлоқ хўжалигининг конкрет экономикаси соҳасидаги проблемаларни чуқурроқ ишлаб чиқишни таъминлангиз!*



### УНДАЛМАНИНГ ГАПДАГИ ЎРНИ ВА УНДАЛМАДА ИНТОНАЦИЯ

Ўзбек тилидаги мавжуд дарслик ва қўлланмаларда ундалманинг гап бошида, гап охирида, гап орасида келиши ҳақида гапирилган, холос. Аммо унинг қандай гапларда ва қандай хусусиятларга биноан гап бошида, гап охирида ва гап орасида келиш сабаблари ҳақида эса ҳеч нима дейилмайди. Ундалманинг гапдаги ўрни масаласи ўзбек тилида ва бошқа туркий тилларда ҳам етарли даражада ишланмаган.

Туркий тилларда, жумладан ўзбек тилида гап бўлаклари гапда маълум тартибда жойлашади. Масалан, пайт ҳоли ва эга ган бошида, кесим гапнинг охирида, тўлдирувчи билан ҳол кесимдан олдин, аниқловчи аниқланмишдан олдин келади. Бу тартибнинг ўзгариши гап бўлақларининг инверсияга учрашига сабаб бўлади. Ундалманинг гапда жойлашиш тартиби эса бош ва иккинчи даражали бўлақларнинг тартибидан тубдан фарқ қилади. Ундалманинг гапда бош ва иккинчи даражали бўлақлардек қатъий бир ўрни йўқ. Унда инверсия ҳодисаси ҳам рўй бермайди. Ундалма гапнинг ҳар ерида, яъни гап бошида, гап охирида ва гап орасида келади. Ундалманинг гапнинг ҳар ерида келиши, асосан, унинг функциясига, формасига, ҳажмига боғлиқ.

Маълумки, сўзловчи тингловчига ўз мақсадини, фикрини

билдириш, унинг диққатини ўз нутқига тортиш учун унга мурожаат қилади, ундайди.

Агарда сўзловчи учун ўз мақсадини, фикрини баён қилиш муҳим бўлмай, нутқ қаратилган тингловчи муҳим бўлса, у олдин тингловчига мурожаат қилиб, сўнгра унга тегишли бўлган фикрни баён қилади. Масалан:

*И ш ч и л а р, уйғон, уйғон, уйғон,  
Сенга ишлашга етишди замон*

(Ҳ. Ҳ. Ниёзий).

Сўзловчи учун тингловчи унча муҳим бўлмай, унга тегишли бўлган нутқ муҳим бўлса, унда сўзловчи аввало ўз фикрини баён қилади, сўнгра эса суҳбатдошига мурожаат қилади. Масалан:

*Курашурга қурол керак,  
Қуролланг, и ш ч и л а р!*

(Ҳ. Ҳ. Ниёзий).

Шунингдек, сўзловчи тингловчига тегишли бўлган фикрнинг ярмини баён қилиб, кейин тингловчига мурожаат қилади, сўнгра аввалги фикрнинг давом эттиради. Бундай ҳолда ундалма гап орасида келади. Масалан:

*Ҳақингни ол, и ш ч и л а р,  
Яшов даври сенинг.*

(Ҳ. Ҳ. Ниёзий).

Ундалма чақириқ, шиор, хитобнома ва буйруқларда, нотиқлар нутқи, мактубларда, шунингдек, оғзаки нутқда кўпинча гап бошида келади.

1. Чақирриқларда: *Пионер ва мактаб ўқувчилари! Билимларни сабот ва қунт билан эгаллангиз! Меҳнатсевар ва интизомли бўлингиз, ўқишда муваффақиятларга эришингиз! Адабиёт ва санъат арбоблари! Мамлакатнинг маънавий бойлигини кўпайтирингиз! Санъат асарларининг юксак ғоявийлиги ва бадиий маҳорати учун курашингиз!*

2. Шиор ва хитобномаларда: *Пахтакор ўртоқлар! Экишни тезда тугаллаб, ҳамма ерда чигитни текис ундириб олиш учун курашайлик! Халқ маориф ходимлари! Болаларни ўқитиш сифатини яхшилангиз, мактабларни политехникалаш учун курашингиз!*

3. Буйруқларда: *Солдат ва матрос, сержант ва старшина, офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар! Сизларни Улуғ Октябрь социалистик*

революциясининг 49 йиллиги билан табриклайман ва қутлайман.

4. Нотиқлар нутқида: Қадрли ўртоқлар! Улуғ Социалистик ватанимизнинг граждандари! Сизларни кириб келаётган янги йил билан чин кўнгулдан табриклайман. Азиз дўстлар! Сизлар орқали қаҳрамон корейс халқига барча совет кишиларининг самимий дўстлик ҳисларини етказишга ижозат берингиз.

5. Мақтубларда: Жаноб олийлар! Зўр илтифот билан Бош Министр орқали юборган мақтубингиз учун Сизга зўр миннатдорчилик изҳор қиламан (Доктор Ба у — Бирма Иттифоқи президентининг мақтуби). Қадрли Жўра ака! Туганмас салом (Ғ. Ғулом).

6. Поэзияда:

Озод Ватанимиз, топгил шараф-шон,  
Халқлар бахтининг сунган тоғи

(Уйғун).

Амударё, сени қалбдан куйлайман,  
Ўтган умринг, ҳаётингни ўйлайман

(Аббос Добил).

Ундалма сўзловчининг нутқи қаратилган нуқтани, шунингдек мурожаат, ундаш, ишонч каби маъно оттенкаларини билдирганда ҳам кўпинча гап бошида келади. Мисоллар:

Совет фани ходимлари, мамлакатимизнинг фан ва техникасини янги тадқиқотлар билан, ихтиро ва кашфиётлар билан бойитингиз. Дўстларим, сизлар шундай зўр ғайрат ва сидқидил билан ишладингизки, бундай меҳнат катта ғалаба олиб келиши муқаррар эди (Ш. Рашидов).

Ундалма ундов ва таъкид юқламалари билан келиб, чақириш, қисташ, таъкид, кучайтириш каби маъно оттенкаларини аниқлатганда, гап бошида келади. Масалан: Эйдўстим, сен унга ихлосинг учун ижод майдонида ҳимматинг ошир! (М. Шайхзода). Раҳимаю, тез келсангизчи, аям чақираяптилар.

Ундалма такрорланиб, уюшиб, аниқловчилар, изоҳловчилар билан кенгайиб келганда, сўзловчи учун муҳим бўлган шодлик, хурсандлик, илтимос каби маъно оттенкаларини билдирса, кўпинча гап бошида келади. Мисоллар:

Оҳ азизим, азизим, жондан ортиқ  
лазизим.

Ҳар сўзинг дона-дона, гул ҳаётдан нишона

(З. Диёр).



*Эй қуёшли республикам, сен Шарқ  
манғали,*

*Оромбашидир қучоқларинг, тотли, наиғали*

*(Ғайратий).*

*Россия, Россия, азамат ўлка!*

*Эй осмон сингари бепоён ватан!*

*Тўлдирган чоғда ҳам жаҳонни нурга*

*Қўйиш қучаолмас сени дафъатан*

*(Ҳ. Олимжон).*

*Ўнгитларим, оломонлар,*

*Бу майдондан юз қайтарманг... (Ф. Йўлдош).*

Ундалма гапнинг охирида ҳам келади. Бундай вақтда сўзловчи билан тингловчи орасидаги муносабат илгаридан давом этиб келаётган ва улар орасидаги масофа ҳам яқин бўлади. Бундай ҳолларда сўзловчи учун нутқ қаратилган шахс — тингловчи муҳим бўлмайди ва унинг диққат марказида турмайди, балки тингловчига тегишли бўлган фикр муҳим бўлади. Бундай ҳолларда сўзловчи аввало тингловчига тегишли бўлган фикрни баён қилади, сўнгра унга ундайди. Мисоллар: *Бригадамизги шундай ҳам фахрий аъзо эдингиз, ҳурматли профессор! (А. Мухтор). Бу ишларингиз бир менга эмас, ҳаммага ҳам маъқул тушади, ўғилларим! (Р. Файзий).*

Ундалма нафрат, ғазаб, кесатиш, пичинг каби маъно отенкаларини билдирса, гап охирида келади. Масалан: *Йўқол, кўзимдан! Ҳали шармандангни чиқараман, жодугар! (Ҳ. Ҳ. Ниёзий). Хат қани, уни қаёққа қўйдинг?! Айт дегман, бўлмаса, ёш жонингдан айрилсан, итвачча (Ҳ. Шамс).*

Ундалма сўроқ юкламалари билан келган сўроқ ва ундов гапларда, шунингдек, ҳурмат маъносини билдирувчи гапларда кўпинча гап охирида келади:

1. *Сўроқ гапларда*: Самовар қўйишни биласанми, укажон? (Ҳ. Назир). Қолхознинг годовойини тузгани чиқаясанми, жиян? (И. Раҳим).

2. *Ундов гапларда*: Сиз ҳам ўзингизни таниб олинг, ўртоқ Каримов! (Ҳ. Шамс). Станоклар қутлуғ бўлсин, ўртоқ мудир! (И. Раҳим).

3. *Ҳурмат маъносини билдирган гапларда*: Салом, Умарока! (И. Раҳим). Марҳамат, инжонер! (А. Мухтор).

Ундалма гап бошида келувчи тасдиқ ва инкорни билдирувчи *ҳа, йўқ, хайр, хўп* сўзларидан кейин келади. Мисоллар:

— *Ҳа, Васка, йиғладингми?*

— Йўқ, комиссар

(Яшин).

— Хайр, жангчи ўртоқлар.

— Хўп, ўртоқ полковник

(Яшин).

Ундалма гапнинг орасида ҳам келади. Сўзловчи билан тингловчи орасидаги муносабат илгаридан давом этиб келатган бўлса, у тингловчига тегишли бўлган фикрни айтиб, сўнгра унга мурожаат қилади ва ундан сўнг ўз фикрини яна давом эттиради. Бундай ҳолларда ундалма лексик маъносиз кучсизланган сўзлардан ифодаланади: *Сенинг тўйинг, дўстим, ҳаммамизни ҳам янги ижодларга этсин сафарбар (Уйғун). Сизнинг гапингиз, Андруша, ҳамма вақт шундоқда (М. Горький).*

Ундалма илтимос, пичинг каби маъно оттенкаларини билдирса, кўпинча гап орасида келади: *Сиз энди, бой ота, бир оз ҳоли қўйинг, онам билан гаплашай (Х. Ҳ. Ниёзий).*

*Серка қилиб, сен боғлабсан бовамни,*

*Бу ишинга, айёр, бўлдинг гуноҳкор!*

(Ф. Йўлдош).

Ундалманинг гапнинг ҳар ерида келиши сўзловчи билан тингловчининг муносабатига боғлиқ. Биз қараб чиққан асарларнинг баъзиларида ундалма кўпроқ гап бошида, баъзиларида эса кўпроқ гап охирида келади. Чунончи, Абдулла Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар» асарида 172 та ундалма бўлиб, шундан 93 таси гап бошида, 43 таси гап охирида, 33 таси гап орасида келган. Шунингдек, Баҳром Раҳмоновнинг «Сурмаҳон» асарида 158 та ундалма бўлиб, 49 таси гап бошида, 75 таси гап охирида, 34 таси гап орасида келган.

\* \* \*

Ундалма гапга мазмунан боғланади ва махсус интонация билан ажратиб айтилади. Баъзан эса ундалманинг интонацияси кучсизланиб, гапнинг умумий оҳанги билан бирлашиб кетади. Бу ҳол кўпинча оғзаки нутқда учрайди.

Ундалмадаги интонация унинг гапдаги ўрнига ва кенгайиши даражасига ҳам боғлиқ. Ундалма гапдан олдин келиб, тингловчининг диққатини сўзловчининг нутқига тортиш учун даъват этса, махсус чақириш интонацияси билан талаффуз қилинади: *Саодат, буёққа қара, Обиддан қочмай қўяқол...* (Ф. Фулом). *Ҳой болам, буёққа ке-*

линг, Фарҳодстройга келган эдик, йўл тополмай қолдик (Ойдин).

Ундалма чақриш интонацияси билан талаффуз қилинган вақтда, у гапдаги бошқа сўзларга нисбатан баланд оҳанг билан ажратилиб айтилади. Бундай интонация, айниқса, гап бошида ва гап охирида келадиган ундалмаларга хосдир. Гап бошида келган ундалмани ажратувчи пауза одатда гап охирида келган ундалмани ажратувчи паузага қараганда давомлироқ бўлади: *Социалистик саноат ходимлари! Техникани тараққий эттириш ва меҳнат инжумдорлигини бутун чоралар билан ошириш учун курашингиз! Қани шошилаверинглар, Олтинсойга чопинглар, азиз дўстларим* (Ш. Рашидов).

Турли шахс, ёки предметларга қаратилган, ёхуд такрор келган, шунингдек, бир предметнинг турли хусусиятларини кўрсатадиган ундалмалар кўпинча чақриш интонацияси билан талаффуз қилинади: *Карим, Лола, болаларим, — қичқирди чол ётган жойида, — хас-хашак, чимни менга ташлайверинглар* (Ш. Рашидов). *Ёдгор, ҳой Ёдгор, ўғлим, Буюкқа қара, мана сенга жўхори кавоб қилияман...* (Ғ. Гулом).

Ундалмалар қатор, яъни кетма-кет келганда, бу ундалмаларнинг оҳанги аста-секин кўтарила бориб, энг кейинги ундалма кучли оҳанг билан айтилади. Талаффуз вақтида уюшиб келган ундалмалардан олдингиларининг интонацияси санаш интонацияси билан бирлашади. Ундалма гуруплари ҳажмининг кенгайишига кўра ва ҳар бир ундалманинг ўрнига кўра чақриш интонацияси кучсизлана бориб ўз ўрнини санаш интонациясига беради. Масалан: *Ишчилар, инженерлар, техниклар, мастерлар! Меҳнатнинг ва ишлаб чиқаришнинг таъкил қилинишини яхшилангиз, меҳнат интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлангиз, корхоналарнинг бир меъёрида ишлашини таъминлангиз! Инженер, агроном, ўқитувчи, врач, олим, ёзувчи, расом, композиторлар!*... *Колхоз қишлоғининг маданиятини оширишга ўз ҳиссангизни қўшингиз!*

Ундалма сўроқ юкламалари билан келган гапдан кейин келса, ундан олдин озгина пауза бўлиб, унинг оҳанги бир даража кўтарилади ва сўроқ интонацияси билан талаффуз қилинади. Масалан: *Ҳали ҳам жаҳлингдан тушмадингми, йўлбарс?* (И. Раҳим). *Андишанинг оти қўрқоқми, хола!* (Ҳ. Шамс).

Ундалма гап бошида келса, ундан сўнг, гап охирида келса, ундан олдин пауза бўлади. Бундай вақтда ундалма ёлғиз бўлса ҳам, составли бўлса ҳам унинг оҳанги бир даража

кўтарилади ва ундов интонацияси билан айтилади. Масалан: *Диз биродарлар! ... Сиз жанг майдонларида мардлик ва жасорат кўрсатиб, душманнинг ҳолини танг қилмоқдасиз* (Яшин). *Сен менинг қонга тўлган кекса юрагимда бир умр яшайсан, ўғлим!* (Яшин).

Ундалма иштирок қилган гап баъзан тузилиш жиҳатидан қўшма гап бўлади. Бунда ундалма икки содда гап орасида келади ва кириш интонацияси билан талаффуз қилинади. Масалан: *Сўзинг маъқул, чироғим, бундан буён ҳамма-мизни ҳам радио уйғотавсради* (Ҳ. Назир). *Шуни англаш керакки, ўртоқлар! Бизга ўзимиздан бошқа ҳеч ким ёрдам қилмайди* (М. Горький).

Ундалма кириш бўлақдан, шунингдек, кишилик олмошларидан кейин келса, гапда интонацион ажралниш бўлади. Масалан: *Шундай қилиб, ўғлим Павел, ҳаётнинг шундай ўтишини нотўғри дейсанми?* (М. Горький). *Сиз, ўртоқ Қодиров, бирода бу хилда ўжарлик қилишини қўйинг* (Ш. Рашидов).

*Афс этасан, ўртоқ қурултой,  
Ҳозирги сўз сенинг борангда...*

(Ғ. Ғулом).

Демак, ундалма ҳозирги ўзбек адабий тилида чақирини, санаш, сўроқ, ундов ва кириш интонациялари билан талаффуз қилинади.

## ХУЛОСА

Ундалма сўзловчининг тингловчи билан муносабатини, унга ундашини, сўзловчининг ўз-ўзига ундашини билдиради. Ундалма сўзи аслида ундамоқ сўзидан олинган бўлиб, ўзбек адабий тилида турли маъноларни: кенг маънода нутқ процессини, тор маънода эса грамматик терминни билдиради. Ундалма термини қардош туркман, қозоқ ва озарбайжон тилларида юз тутма сўзлар, қаратпа сўз, хитоб терминлари билан юртилади.

Гапнинг бўлақлари бир-бири билан мослашув, бошқарув, битишув орқали боғланади. Ундалма эса гап бўлақлари билан мувофиқлашув орқали боғланади. Ундалма гапнинг кесими билан шахсда мослашмаса ҳам, у билан сонда мос келиши мумкин. Ундалма гап бўлақларининг эквиваленти бўлиб, гапнинг бирор бўлагига, ёки бутун гапга тегишли бўлади.

далмада ҳам, бошқа синтактик категориялар сингари, грамматик ва лексик-семантик белгилар мавжуд.

Ўзбек тили материалларини ўрганиш ва анализ қилиш натижасида ундалма лексик-семантик жиҳатдан қуйидагича классификация қилинди:

I. Шахсларга қаратилган ундалмалар.

II. Жонли предметларга қаратилган ундалмалар.

III. Жонсиз предметларга қаратилган ундалмалар.

Булар ўзининг ички бўлинишларига ҳам эга.

1. Шахсларга қаратилган ундалмалар:

1. Якка шахсга қаратилган ундалмалар.

2. Умумшахсга қаратилган ундалмалар:

1. Якка шахсга қаратилган ундалмалар:

а) тингловчига қаратилган якка шахс ундалмалари;

б) сўзловчининг ўзига қаратилган якка шахс ундалмалари;

в) тингловчига бевосита қаратилган ундалмалар;

г) тингловчига бевосита қаратилган ундалмалар;

2. Умумшахсга қаратилган ундалмалар:

а) умумшахсга бевосита қаратилган ундалмалар;

б) умумшахсга бавосита қаратилган ундалмалар.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундалмалар кенг қўлланилади. Унинг якка шахсга қаратилган формаси жуда кўп ишлатилади. Масалан, Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар» повестида 305 та ундалма бўлиб, шундан 249 таси якка шахсга, 54 таси умумшахсга қаратилган ундалмалардир. Асқад Мухторнинг «Дарёлар туташган жойда» повестида эса 149 ундалма бўлиб, 144 таси якка шахсга, 4 таси умумшахсга қаратилган.

Ундалмалар могологик нутқдагига қараганда диалогик нутқда кўп қўлланилади. Чунки кишилар бир-бирлари билан муносабатда бўлганларида ундалмадан унумли фойдаланадилар. Улар маълум бир нарсдан таъсирланганларидегина ўз-ўзларига муружаат қиладилар. Ундалмалар бадний асарларда қўлланилиши жиҳатидан тенг эмас. Масалан, шахсларга қаратилган ундалмалар прозаик асарларда, жонли ва жонсиз предметларга қаратилган ундалмалар эса поэтик асарларда кўп учрайди.

Ундалма морфологик-синтактик ифодаланишига кўра атоқли, турдош, конкрет, абстракт, якка, жамловчи, тур, тўда, кичрайтиш, эркалаш маъносидagi отлар билан, шунингдек, отлашган сифатлар, сонлар, сифатдошлар, олмош ёки ундов, синтактик бирикмалар билан ифодаланади. Ундалманинг от билан ифодаланиши отлашган сўзлар, олмош ёки ундов билан ифодаланишига қараганда кўп учрайди.

Ундалма составига кўра ёлғиз, составли ва мураккаб ундалмаларга бўлинади. Ёлғиз ундалмалар туб, ясама, қўшма, жуфт сўзлардан ташкил топган бўлиб, ёлғиз ёки тақрор ҳолда келади ва турли маъно оттенкаларини билдиради. Составли ундалмалар қаратқичли ва сифатловчили бирикмалардан иборат бўлади. Мураккаб ундалмаларнинг объекти битта бўлиб, бирдан ортиқ ундалмалардан ташкил топади. Бу ундалманинг составида ҳар бир ундалманинг умумий ёки хусусий аниқловчилари бўлади. Ундалма ажратилган ва уюшган ҳолда келади. Уюшган ундалманинг объекти бирдан ортиқ бўлади. Уюшган ундалмалар таркибидаги элементлар боғловчилар ёки интонация ёрдами билан ўзаро боғланидлар. Уюшган ундалма составидаги ҳар бир ундалма умумий ёки хусусий аниқловчиларни ва умумлаштирувчи бўлақларни олиб келиши мумкин.

Ундалманинг гапда қатъий бир ўрни йўқ. У гап бошида ва гап охирида, гап орасида келади. Ундалманинг гапнинг турли ерида келиши, асосан, унинг лексик-семантик хусусияти, формаси, ҳажми ва гап ҳажмига боғлиқдир. Унинг гапнинг турли ерида келиши маълум стилистик талаб билан бўлади.

Ундалма гап составида келиб, гапнинг умумий мазмуни билан боғланади, лекин гапнинг умумий оҳангидан махсус интонация билан ажратиб айтилади. Баъзан ундалманинг интонацияси кучсизланади ва гапнинг умумий оҳанги билан бирлашиб кетади. Ундалма чақириш, санаш, сўроқ, ундов ва кириш интонациялари билан талаффуз қилинади.

Биз юқорида ундалманинг умумий характеристикаси, лексик-семантик хусусияти, ифодаланиши, структураси, гапдаги ўрни, ундалмада интонация масаласини бир қадар ёритишга ҳаракат қилдик.

Ундалма лексик-семантик хусусияти, морфологик-синтактик ифодаланиши, структураси, стилистик роли жиҳатидан синтактик категориялар орасида муносиб ўринни эгаллайди.

Ундалма, юқорида айтганимиздек, гап составида келиб, унга мазмунан боғланади. Гап таркибидаги бош ва иккинчи даражали бўлақлар ўзаро мослашув, бошқарув, битишув орқали алоқага киришса, ундалма гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлақлари билан мувофиқлашув (соотносительная связь)<sup>30</sup> орқали алоқага киради.

<sup>30</sup> А. Г. Руднев. Синтаксис осложненного предложения, М., 1959, стр. 138; А. Г. Руднев. Синтаксис современного русского литературного языка, М., 1963, стр. 21—22.

Ана шу хусусиятларини ҳисобга олиб, ундалмани ҳам гап бўлаги дейиш мумкин. Ундалма гапда бош ва иккинчи даражали бўлак вазифасини бажара олмайди, балки сўзловчининг ўз суҳбатдошига мурожаатини билдиради. Шунинг учун ундалма, умуман, гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган бўлаклар — гапнинг учинчи даражали бўлаклари деб юритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

## АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ

- Маркс К., Энгельс Ф. Немецкая идеология, Партиздат, 1965.
- Лепин В. И. Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисида, Уздавнашр, Тошкент, 1950.
- Виноградов В. В. Основные вопросы синтаксиса предложения, «Вопросы грамматического строя», Изд-во АН СССР, М., 1955, стр. 404—405.
- «Грамматика русского языка», Синтаксис, часть I и II, М., 1954.
- Земский А. М., Кручков С. Е., Светлаев М. Н. Русский язык, часть II, Учебник для педагогических училищ, Учпедгиз, М., 1950.
- Колосов П. И. Обращение, метод разработки по грамматике, сборник статей, 1949.
- Никольский Н. Н. Учебное пособие по стилистике и литературной правке, вып. II, М., 1956.
- Пешковский А. М. Русский синтаксис в научном освещении, изд. 7, Учпедгиз, М., 1956.
- Руднев А. Г. Синтаксис осложненного предложения, Учпедгиз, М., 1959.
- Руднев А. Г. Синтаксис современного русского языка, Изд-во «Высшая школа», М., 1963.
- Устинов И. В. Материалы и методические указания к курсу «Современный русский язык», М., 1946.
- Ушаков М. В. Слова, грамматически не связанные с членами предложения, журн. «Русский язык в школе», 1955, № 2.
- Финкель А. М., Баженов Н. М. Современный русский литературный язык, Учпедгиз, Киев, 1954.
- Шахматов А. А. Синтаксис русского языка, изд. 2, Л., 1941.
- Азимов П., Байлиев Х. Туркмен дилининг грамматикасы, II болум, Синтаксис, Ашгабат, 1957.
- Алексеев З. А., Вишнегорский А. Самоучитель сартовского языка, (чтение, письмо и грамматика сартовского языка), Ташкент, 1884.
- Аманжолов С., Уйықбаев И., Абидқаев А. Қазақ тили грамматикасы, II болум, Синтаксис, Алматы, 1951.
- Афанасьев Л. Словарь сартовских слов с главнейшими грамматическими правилами, Скобель, 1908.
- Батманов. Грамматика Киргизского языка (фонетика, этимология и синтаксис), Оренбург, 1906.



- Горлевский Грамматика турецкого языка (Морфология и синтаксис), М.—Л., 1928.
- Дмитриев Н. К. Грамматика кумыкского языка, М.—Л., 1940.
- Дмитриев Н. К. Грамматика башкирского языка, М.—Л., 1948.
- Закриев М. З. Синтаксический строй татарского языка, изд. Казанского университета, Казань, 1963.
- Казем-Бек. Общая грамматика турецко-татарского языка, М., 1846.
- Казем-Бек. Грамматика Алтайского языка, составлено членами алтайской миссии, Казань, 1869.
- Княс-Бек. Словарь и элементарная грамматика сартовского языка, Ташкент, 1907.
- Кенесбаев С. Грамматика казахского языка, Алма-Ата, 1941.
- Кононов А. Н. Грамматика турецкого языка, М.—Л., 1941.
- Малов С. Е. Памятники древне-тюркской письменности, М.—Л., 1951.
- Мелноранский П. М. Краткая грамматика казах-киргизского языка, СПб., 1897.
- Наливкин В. Русско-сартовский и сартовско-русский словарь общепотребительных слов с приложением краткой грамматики по наречиям Наманганского уезда, Казань, 1884.
- Сейидов Ю. М. Грамматик жиҳатдан жумла узвлари ила алогадор олмайн созлар, Баку, 1958.
- Терентьев М. А. Грамматика турецкая, персидская, киргизская и узбекская, книга 1, СПб., 1875.
- Убрятова Е. И. Исследования по синтаксису якутского языка, М.—Л., 1950.
- Харитонов А. Н. Современный якутский язык, Якутск, 1947.
- Хазирки замон Туркмен дилининг синтаксиси боюча гысгача конспект. Туркмен дили кафедраси, Ашгабат, 1954.
- Ширалиев М. А., Хусейнзода. Азарбайжан дилининг грамматикаси, II хисса, Баку, 1958.
- Қазирги қазақ тили (лексика, фонетика, грамматика) жауаты редакторлар: проф. М. Балакаев, доц. А. Искаков, Қазақ ССР, ғылым академиясының баспаси, Алматы, 1954.
- Абдурахмонов Ф. Ш. Ўзбек тили синтаксисидаги мураккаб гаплар масаласига доир, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари журналы», № 3, 1962.
- Батманов. Вильнер. Ўзбек тили дарслиги (тўрт қисмдан иборат), Тошкент, 1933.
- Батманов И. А. Очерк синтаксиса узбекского языка, Ташкент, 1936.
- Боровков А., Маъруфов З., Шермухамедов Т. Ўзбек тили грамматикаси, II қисм, Синтаксис, «Ўқувпедавнашр», Тошкент, 1952—54.
- Боровков А., Маъруфов З., Абдуллаев Н., Шермухамедов Т. Ўзбек тили дарслиги, II қисм, Синтаксис, «Ўқувпедавнашр», Тошкент, 1958—1966.
- Гафуров Х. Т. Номинативные предложения в современном узбекском языке, Автореферат канд. диссертации, Ташкент, 1962.
- Ибрагимов Т. Ҳозирги замон ўзбек тили (синтаксис)дан иш материаллари, Тошкент, 1948.
- Кононов А. Н. Грамматика узбекского языка, Госиздат УзССР, Ташкент, 1948.
- Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, изд. АН СССР, М.—Л., 1960.
- Маъруфов А. ва Абдурахмонов Ф. Ўзбек тилидан қўлланма, Ўқувпедавнашр, Тошкент, 1956, 1961.

- Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили, «Урта ва олий мактаб», Тошкент, 1962—1966.
- Решетов В. В. Ўзбек тили грамматикаси, II том, Тошкент — Самарканд, 1934.
- Решетов В. В. Современный узбекский язык, Госиздат УзССР, Тошкент, 1946.
- Саидов Н. Ўзбек тили грамматикаси, II қисм, Уқувпедавнашр, Тошкент, 1936.
- Сайфуллаев Р. Ҳозирги замон ўзбек тилида ундалма. Доклади научно-теоретической конференции, Бухара, 1957.
- Сайфуллаев Р. Ундалманинг лексик-семантик хусусиятлари ҳақида. УзДУ асарлари, Янги серия, № 77, Самарқанд, 1958.
- Сайфуллаев Р. Ундалманинг состави ҳақида. Ученые записки БухГПИ, Бухара, 1958.
- Сайфуллаев Р. Ундалманинг грамматик-лексик ифодаланиши. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», журнали, 3-сон, 1960.
- Сайфуллаев Р. Ундалманинг умумий характеристикаси. СамДУ асарлари, Янги серия № 102, Самарқанд, 1960.
- Сайфуллаев А. Р. VI синфда ундалма темасини ўтиш ҳақида. «Совет мактаби» журнали, 5-сон, 1960.
- Сайфуллаев Р. Обращения в современном узбекском литературном языке. Автореферат канд. диссертации, Самарканд, 1960.
- Сайфуллаев Р. Ундалмада интонация масаласи. Ученые записки БухГПИ, Бухара, 1961.
- Сайфуллаев Р. Гапнинг учинчи даражали бўлаклари тўғрисида. Конференция тезислари. Тошкент, 1963.
- Сайфуллаев А. Р. Мактабда ундалма ва кириш бўлакни ўтиш. «Ўқитувчи» нашриёти, 1966.
- Сайфуллаев А. Р. Гапнинг учинчи даражали бўлаклари. «Совет мактаби», журнали, 1-сон, 1967.
- Сулаймонов А. Ҳ. Ўзбек тилида атов гап, ундалма ва вокатив гаплар, УзДУ асарлари, Янги серия № 66, Самарқанд, 1956.
- Убаева Ф. С. Гапнинг уюшқ бош бўлаклари, кандидатлик диссертацияси, Самарқанд, 1959.
- Уринбаев Б. Категория вокативности в современном узбекском языке. Автореферат канд. диссертации, Самарканд, 1964.
- Усмонов С. Ўзбек тилида ундовлар, УзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1953.
- Шамсиев М. Ўзбек тили дарслиги (грамматика ва имло), II қисм, Тошкент, 1933.
- Ғафуров Ҳ. Ўзбек тилида атов гаплар, САГУ асарлари, Ўзбек тили масалалари, Тошкент, 1957.
- Ғозиев Ҳ. Ўзбек тили грамматикаси. II қисм, Синтаксис, Уқувпедавнашр, Тошкент, 1938—1940, 1941.
- Ғуломов А. Ўзбек тили грамматикаси, сиртқи пед билим юрти ўқувчилари учун, II қисм, Синтаксис, УзССР Маориф ХК нашриёти, Тошкент, 1940.
- Ғуломов А. Ғ., Маъруфов З., Шермухамедов Т. Ўзбек тили грамматикаси, II қисм, Синтаксис, Уқувпедавнашр, Тошкент, 1944.
- Ғуломов А. Ғ. Содда гап, Тошкент, 1948.
- Ғуломов А. Ғ. Содда гап, УзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1955.
- Ғуломов А. Ғ., Асқарова М. А. Ҳозирги замон ўзбек тили, «Урта ва олий мактаб», Тошкент, 1961.
- Ғуломов А. Ғ., Асқарова М. А. Ҳозирги ўзбек адабий тили (синтаксис), «Ўқитувчи», Тошкент, 1965.

## Мундарижа

Кириш . . . . .	3
Ундалманинг умумий характеристикаси . . . . .	12
Ундалманинг лексик-семантик хусусиятлари . . . . .	24
Ундалманинг морфологик-синтактик ифодаланиши . . . . .	36
Ундалманинг состави . . . . .	45
Ундалманинг гапдаги ўрни ва ундалмада интонация . . . . .	62
Хулоса . . . . .	68
Адабиётлар рўйхати . . . . .	72

*На узбекском языке*

*А. Р. Сайфуллаев*

ОБРАЩЕНИЕ  
В СОВРЕМЕННОМ  
УЗБЕКСКОМ ЛИТЕРАТУРНОМ ЯЗЫКЕ.

«Изд-во «Фан» УзССР

Ташкент — 1968

Муҳаррир: А. Мансурхўжаева  
Техмуҳаррир: Ҳ Қорабоева  
Корректор Н. Раҳимова

Р15572. Тегишга берилди 7/II-68 й. Босишга рухсат этилди 29/V-68 й.  
Формати 60×90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>—2,37 қорос л. 4,75 босма л. Ҳисоб-нашриёт л. 4,0.  
Нашриёт № 2074. Тиражи 1000, Баҳоси 30 т.

ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, Черданцев кўчаси, 21. Заказ 72  
Нашриёт адреси: Гоголь кўчаси, 70.